


Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT ~ XALQ ZIYOLILARI GAZETASI ~ معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 9-avgust, chorshanba № 63 (9024)


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюнни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни Осиё қитъасида замонавий ва ишончли инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашадиган янги халқаро молия институти бўлган ушбу банк ўз амалий фаолиятини муваффақиятли бошлагани билан самимий табриклади.

2015 йилда ташкил этилган ва бош қароргоҳи Пекинда жойлашган Осиё инфратузилма инвестициялари банки дунёнинг турли мамлакатларида 17 инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фаол қатнашмоқда.

Мамлакатимиз 2016 йилнинг ноябрь ойида банкни таъсис этиш тўғрисидаги битим доирасида давлатнинг ички тартиб-таомилларини бажарди ва ушбу халқаро молия институтининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикасида умумий қиймати 2,7 миллиард доллар бўлган истиқболли лойиҳаларни — сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, энергетика инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий автомобиль йўллари қуриш, темир йўлларни электрлаштириш ва пойтахт метрополитени тармоғини кенгайтириш ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга доир ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хусусий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш механизмини яратиш бўйича ҳамкорлик имкониятлари мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюнь Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик изҳор этди. Банк Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорлик қилишга тайёр эканини алоҳида таъкидлади.

**ЎзА**

## Мактаб ярмаркалари

### узоқни яқин, мушкулни осон қилади




*Янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолмоқда. Айни дамда кўпчилик ота-оналар фарзандларига ўқув қуроллари, мактаб формаси харид қилиш ҳаракати билан банд.*

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 июлдаги "Республиканинг барча ҳудудларида мактаб ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари"га бағишланган мажлиси қарорига кўра, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ўқувчиларни асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси билан таъминлашда ота-оналар учун қулайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябрига қадар жойларда мактаб ярмаркалари ташкил этилиши кўзда тутилган.

(Давоми 7-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Мустақиллик йилларида миллий кинематография ривожига давлатимиз томонидан қаратилаётган катта эътибор натижасида соҳада муайян ютуқларга эришилди. Мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранг кино асарлар яратилиб, улар томошабинлар эътиборини қозонди.

Айни вақтда бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча соҳа ва тармоқлар қаторида кино санъати фаолиятини ҳам такомиллаштириш, соҳа ривожи учун янги имкониятлар яратишни талаб этмоқда.

Қайд этиш керакки, кинематография соҳасида норматив-ҳуқуқий базанинг мукаммал эмаслиги, кино ишлаб чиқарадиган етакчи корхоналар, жумладан "Ўзбекфильм", "Қорақалпоқфильм" ҳамда "Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар" киностудияларининг моддий-техника базаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиргани, кинофильмларни молиялаштириш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, кинотеатрлар ва малакали кадрлар етишмаслиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни шу мақсадда 2002 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Тошкент давлат консерваторияси учун янги бино қурилиб, у замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Ушбу олий ўқув юртининг нуфузи ва мақомини ошириш учун унга "Ўзбекистон давлат консерваторияси" номи берилди, консерватория қошида иқтидорли ёшлар учун академик мусиқа лицейи ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятининг танқидий таҳлили ўтган давр мобайнида ушбу олий таълим муассасаси томонидан академик ва миллий мусиқа санъати йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув-педагогик ва илмий-ижодий ишларни ташкил этиш борасида муайян ютуқларга эришилганини, шу билан бирга, бир қатор жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини кўрсатмоқда.

(Давоми 3-бетда.)


Газетани варақлаганда:

Тилшунос эмас, тил эгасини тарбиялаш лозим



8-9-бетлар

МИНИБАНК ёхуд нақд пул машинаси




12-бет

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ;

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

“Ўзбеккино” Миллий агентлигининг “Қорақалпоққино” агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг намунавий тузилмалари 4- ва 5-иловаларга мувофиқ;

“Республика кинофонди” давлат унитар корхонасининг тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси юридик шахс сифатида ташкил этилсин ва унинг тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги Бош директорига, зарур ҳолларда, “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг марказий аппарати, тизим ташкилотлари ҳамда “Қорақалпоққино” агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги учун давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг қуйидаги прогноз кўрсаткичлари белгилансин:

2018 йилда — 20 та, 2020 йилдан бошлаб — 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар ишлаб чиқариш;

2018 йилда — 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда — 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб — 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш;

мультипликацион фильмларни 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 50 тадан ишлаб чиқариш;

ёш кино ижодкорларнинг 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлари, болалар учун юмористик киножурналлар суратга олиш;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш;

миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш.

3. Миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин ва унинг маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларнинг кинопрокатидан тушадиган маблағлар;

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларни намойиш этиш мобайнида жойлаштириладиган тижорат эълонларидан тушадиган маблағларнинг 10 (ўн) фоизига тенг миқдордаги мажбурий ажратмалар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ банк депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан кино ва бошқа маданий-ижтимоий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятидан олинадиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кинофильмлар намойишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежларнинг биноларидан фойдаланган ҳолда, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибида кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар (кейинги ўринларда комплекслар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” давлат унитар корхонаси 2018 йил 1 январгача “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг техник топшириғи ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида комплексларнинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин, унинг майдонларида замонавий кинозалларни (2-қават), шунингдек, савдо-кўнгилочар объектларни (1-қават) жойлаштиришни назарда тутсин.

6. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

Кинематография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида атоқли кино ижодкорлар дарс берадиган малака ошириш курсларини ва “Маҳорат мактаблари”-ни ташкил этиш;

Мамлакатимизнинг ёш, истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорлари малакасини ошириш мақсадида уларнинг тегишли етакчи хорижий таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишига зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан 2018 йилнинг 1 январига қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

“Қорақалпоққино” агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан “Дамас” русумли автомашина билан таъминлаш;

“Қорақалпоққино” агентлиги ва вилоятлар ҳудудий бўлимларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланадиган 4 тадан қўшимча штат бирлиги ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

“Ўзбеккино” Миллий агентлигининг марказий аппарати, “Қорақалпоққино” агентлиги ва ҳудудий бўлимларини сақлаш, шунингдек, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмасини сақлаш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

миллий кино маҳсулотларини яратишнинг белгиланган йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги марказий аппаратига 3 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспортини сақлаш учун лимит ажратсин;

“Республика кинофонди” давлат унитар корхонасининг фаолиятини, 2020 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштиришга ўтиш шарти билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ижтимоий соҳага назарда тутилган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилги параметрлари доирасида “Қорақалпоққино” агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан “Дамас” русумли автомашина билан таъминлаш учун зарур маблағларни “Ўзбеккино” Миллий агентлигига ажратсин.

10. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги:

Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат унитар корхоналари шаклида ташкил этиладиган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар тўғрисидаги Низомни уч ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савияси, мазмун-моҳияти ҳамда профессионал даражасини ошириш мақсадида соҳа намояндалари, тажрибали етук мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш таркибини шакллантириб, унинг Низомини ишлаб чиқсин ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда икки ой муддатда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

мазкур қарор ижросини таъминлашга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси ва Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин;

12. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 7 август*

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

## АЛИФБО ИХТИРОЧИЛАРИНИНГ АВЛОДИ КИМЛАР?




**Халқаро олимлар уюшмаси ер юзидаги илк тўлиқ алифбони тузган қадимги ханаан халқларининг ҳақиқий авлодларини аниқлади. Тадқиқот натижалари «American Journal of Human Genetics» нашрида эълон қилинди.**

— Бугунги ливанликлар ханаанларнинг айни авлоди, бироқ уларнинг кичик қисми европоcиёликлар наслидан, — деди тадқиқот муаллифларидан бири Марк Хабер. — Бунга бир вақтлар мамлакатни эронликлар ва македонияликлар босиб олгани сабаб бўлиши мумкин.



Олимларнинг тахминларига кўра, ханаанликлар бундан 2,2—3,8 минг йил олдин европоcиёликлар билан қўшилиб кетган. Ўша даврда кўчиб келган шарқлик кўчманчилар ханаанларга аралашиб кетган.

Беш минг йил муқаддам Сидон шаҳрида яшаган ханаанлик инсонлар генини ўрганган олимлар юқоридаги хулосага келди. Олинган маълумотлар 99 нафар ливанлик гени билан солиштирилди.

## БИРИНЧИ ЭКЗООЙ АНИҚЛАНДИ

**АҚШнинг Колумбия университети астрономлари номаълум осмон жисмини аниқлади. «New Scientist» нашрида келтирилишича, олимлар топилган жисм Қуёш системасидан ташқарида жойлашган сайёралар йўлдоши — экзоой эканини қайд этган.**



Экзоой Ердан тўрт минг ёруғлик йили масофасидаги «Kepler-1625b» экзосайёралар орбитасида жойлашган. Маълум бўлишича, сайёра Юпитердан тахминан икки баробар енгил. Олимлар йўлдошнинг ҳажмини Нептунники билан солиштириб кўриш керак, деган фикрда.

Яширин экзоой «Kepler» космик телескопида олинган маълумотлар таҳлили натижасида аниқланди. Кузатув ишларида юзага келган ноаниқликлар 0,006 фоиз деб баҳоланмоқда. Бироқ мутахассислар шу йилнинг октябрь ойида маълумотларга ойдинлик киритишни режалаштирган. Тадқиқот ишлари «Hubble» орбитал расадхонасида олиб борилади.

## ЯПОН РАКЕТАСИНИНГ ОМАДСИЗ ПАРВОЗИ

**Японияниннг «Interstellar Technologies» компанияси томонидан лойиҳалаштирилган «Momo» ракеталарининг илк парвози омадсиз якунланди. Бу ҳақида компания ходимлари ўзининг «Twitter»даги саҳифасида хабар берди.**



Маълум бўлишича, парвоз амалга оширилганидан 80 сония ўтгач, учиш двигатели ҳақидаги телеметрик маълумотларни етказиш узилиб қолган.

Ракета денгизнинг қирғоққа яқин жойига қулаган. Компания ходимларининг айтишича, яқин кунларда ўтказилиши кутилаётган матбуот анжуманида ҳодиса юзасидан батафсил маълумот берилади.

1997 йили ташкил топган «Interstellar Technologies» компанияси 2014 йилдан «Momo» ракеталарини ишлаб чиқара бошлаган. Мутахассисларнинг режаларига кўра, «Momo» ракеталари 20 килограмм юк билан 120 километр баландликка кўтарилиши зарур эди. Аммо натижа кутилганидек бўлмади.

## «SAMSUNG»НИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

**«Samsung» компанияси янги ихтиро — банан-телефон учун патент олди. Ҳужжат намунаси АҚШнинг патент ва товар белгилари бюроси сайтига жойлаштирилган.**



Янги қурилманинг техник имкониятлари ва деталлари сир тутилмаган. Нашр ихтирони «дунёдаги ейиш мумкин бўлган биринчи жосус телефон» деб номлади. Бироқ ҳужжатда мevaнинг турли ракурсларда олинган суратларию график интерфейс тизимида акс этган меванинг схема тасвири келтирилган, холос.

Шу ўринда, «Samsung» рақобатчиси «Apple» ҳам янги ихтиро устида иш олиб бораётганини маълум қилди. Пицца солишга мўлжалланган контейнер шаклидаги хусусий қути учун аллақачон патент олинган. Кишилар ихчам қутичага пицца, пирог ёки исталган бошқа маҳсулотни солиб, ўзи билан иш жойига олиб кетиши мумкин. Идиш қопқоғига ўрнатилган саккизта вентиляция тешиги егуликни намиқиб қолишдан асрайди.

## ГИГАНТ КОМЕТАЛАР ТОПИЛДИ

**«НАСА»нинг хабар беришича, америкалик астрономлар аввалгиларидан тахминан етти баробар катта кометаларни аниқлашга муваффақ бўлди.**



Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, гигант кометалар Юпитернинг аниқ гравитацион таъсирида ҳаракатланадиган ўхшаш осмон жисмларидан икки карра каттароқ. Улар Қуёш атрофида салкам 20 йилдан буён айланаётган сўнгги объектлар.

«WISE» (Wide-Field Infrared Survey Explorer) инфрақизил телескопи ёрдамида олинган маълумотларни таҳлил қилган тадқиқот муаллифлари айрим рақамларни аниқлади. Мутахассислар, биринчи навбатда, булутлар ичра чанг туманида яширинган осмон жисмлари орасидан гигант кометаларнинг ядро ўлчамини баҳолашга уринди.

Маълум бўлишича, кометалар Қуёш тизимида шаклланган вақтда уларнинг кимёвий таркиби деярли ўзгармаган. Ҳозир сайёрамиздаги сувнинг бир қисми Ерга мана шу осмон жисмлари билан тушгани тахмин қилинмоқда. Буни аниқлаш учун сайёраларнинг илк тарихини чуқур ўрганиш лозим.

## КЕКСАЛАР УЧУН ЭНГ ЯХШИ МАМЛАКАТ

**Америкалик бир гуруҳ олимлар кекса инсонларнинг ҳаёт кечириши учун энг муносиб мамлакатлар рейтингини тақдим этди. Тадқиқот натижалари Колумбия университети томонидан нашр этилди.**



30 та давлат номи киритилган рўйхатнинг биринчи бешталигида Норвегия, Швеция, АҚШ, Нидерландия ва Япония қайд этилган. Қолган Скандинавия мамлакатлари ҳам илк ўнталикдан жой олди.

Рейтингни тузишда ишчи кучининг маҳсулдорлиги, жамоат соғлиғини сақлаш даражаси, бой ва камбағал аҳоли ўртасидаги фарқ, насл ва хавфсизликнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари сингари мезонлар эътиборга олинди. Тадқиқот ҳаммуаллифларидан бири Жон Роунинг таъкидлашича, кекса авлод вакиллари учун қулай шароит яратилмаган ҳар қандай мамлакат ўзи учун «хатарли стратегия»ни танлаган бўлади.

## ҲАВО АККУМУЛЯТОРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

**Москва давлат университетининг олимлар гуруҳи литий-ҳаво аккумуляторларининг яроқсизланиш сабабини тушунтирди. «Journal of Physical Chemistry» нашри тадқиқот натижалари билан яқиндан таништирди.**



Маълумки, литий-ҳаво аккумуляторлари ҳаводан электр-энергия олади. Олимлар қурилманинг ишлаши учун оддий ҳаво эмас, тоза кислород зарурлигини таъкидлади.

— Умуман олганда, сифатли ишлаб чиқарилган аккумулятор литий-ҳаво, яъни атмосфера ҳавоси билан ишлайди, — деди тадқиқот муаллифи Алексей Хохлов. — Унинг таркибий қисмини махсус мембраналар билан фильтрлаш талаб этилмайди.

Олимнинг сўзларига кўра, эндиликда янада жиддийроқ муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш учун баллонлардан тоза кислород юбориладиган литий-кислород катакчаларидан фойдаланиш зарур. Хохлов аккумулятор ишлаётган вақтда унинг устида экспериментал тадқиқотлар олиб бориш имконсиз эканини қўшимча қилди. Амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган лойиҳа Германиянинг Ульмск университети олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Тадқиқотчилар литий-ҳаво аккумуляторлари муаммосини ҳал этиш иқтисодиётда самара беришидан умидвор. Бунинг учун эса камида 5—10 йил керак бўлади.

**Ирода ТОШМАТОВА, Адиба МЕЙЛИЕВА тайёрлади.**

Ma’rifat
2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

# Яхши одамларнинг дилида...

## Дилозорлик

— Художўй аёл экан.

Ҳавас билан тилимдан шу сўзлар учди. Шеригига гурунг бериб бораётган аёл чинакамига муслима бўлиб хотирамдан жой олди. Илоҳо, орзулари ушалсин.

— Бизнинг хотин! — деди ёнимда ўтирган, олтмишни қоралаган киши. Бу сафардошимни яхши танирдим, чўл хўжаликларидан биридаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Камсуқум, борига барака дейдиган инсон. Аммо шу тоб унинг гапи: “Кўриб қўй, ука! Қандай оқила ёстиқдошим бор” дегандай туюлди. — Кенжамизни уйлантириш учун сеп олишга боряпмиз.

Қўйнимга қўл солиб, ички чўнтагимдаги букланган қоғозни сермаладим: “Унутмабман, бор экан”.

Бизнинг бошга ҳам шу ташвиш тушган. Шоша-пиша текширганим бекамиз тузган узундан-узун рўйхат эди. Ҳали уларни топиб, харид қилгунча... “Ширин ташвишлар ортаверсин”, тасалли бераман ўзимга ўзим.

— Яратганга шукр, бешинчи ўғилнинг ҳам бошини жуфт қиляпмиз, — ҳамроҳим гурунгни уламоқчи бўлди.

Мен унинг гапига парво қилмадим, аникроғи, сал наридаги аёллар суҳбати қулоғимни динг қилди:

— Беш вақт намозни канда қилмайман, жойнамозга ўтирганда эриб кетгандай бўламан...

Ниҳоят, кўзланган манзилга ҳам етиб келдик, бир зумда ҳамма ўз иши билан шаҳарнинг турли бурчагига тарқадик. Кечга яқин икки қўлимда зил-замбил юк билан уловга зўр-базўр улгурдим. Шанба куни автобуслар тирбанд, талабалар уйига қайтади-да. Қўлимдагиларни кўрган йигитча ўрнидан туриб, жой берди.

— Раҳмат, ука, умрингдан барака топ, — деб алқайману, ўриндиққа сингиб кетаман.

Навбатдаги бекатда эрталабки танишларимга кўзим тушди. Қопи тўла юк. Художўй аёлга жой беришни ниятладим. Энди қўзғалувдим ҳамки, у қўлидаги қопни ўриндиқлардан бирига зарда билан ташлади.

— Ҳой опа, болани майиб қилардингиз.

— Майиб бўлмасин десанг, қара-да болангга.

— Шошилмасангиз ўзим жой берардим.

— Нима, автобус сенинг маҳрингга тушганми?

Эрталабки мулойим табиат аёлни танимай қолдим. Оғзидан чиқаётган гапларга чидаб бўлмасди. Одамларнинг уни инсофга чақиргани ҳам кор қилмади. Ўриндиққа жойлашганидан сўнг ҳам анча йўлгача оғзидан оқ кириб-қора чиқиб, ҳамманинг тинчини бузди. Эрига кўз солдим. У ҳеч нимани кўрмагандек, аёлга сира алоқаси йўқдек ўтирарди.



## Ҳамият

Автобус тирбанд, ўриндиқлар тугул, тик туришга ҳам қулай жой топиш маҳол.

Навбатдаги бекатда туртиниб салонга чиқиб олган йигитча жонкуярлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди:

— Инсоф борми, биродарлар, кексаларга жой беринг.

Табиийки, ўриндиқдагиларнинг деярли ҳаммаси у ёқ-бу ёқларига хавотирли кўз ташлаб олди: “Ўзимдан ёши катталарни кўрмай қолган бўлмай тағин”. Ўрта ёшлардаги киши ўзидан сал нарида турган аёлни кўриб қўзғалди:

— Ўтиринг, синглим.

— Баракалла, яшанг, — ҳалиги “жонкуяр” вазиятни бирдан қўлга олди. — Жой беришганидан сўнг ўтиринг-да, онахон.

— Йўқ, раҳмат, ўғлим, кейинги бекатда тушаман.

— Шундай демайсизми?!

Йигитча бамайлихотир ўзини ўриндиққа ташлади. Агар воқеа шу билан якун топганида ўша йигитча ҳам, ўриндиқдан туриб жой берган киши ҳам эсимда қолмасди.

— Жойни бўшатиб қўй-чи, ўргилдим сендақа жонкуярдан, — удағилади аёлга жой берган киши.

Йигитчанинг кўзлари олакула бўлиб кетди. Юзи дув қизарди. Одамлар қараётганини кўриб, ноилож қўзғалди. Балли, дедим ўзимча ҳамияти уйғонган кишига. Бундай сохта жонкуярларнинг насибаси шу.

## Оқибат

Мактабимизда Мухтор Пардаев деган йигит ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Ўзи ҳам унча-мунча қалам тебратиб туради. Баҳс-мунозарага суяги йўқ. Бир гал меҳр-оқибат мавзусида ҳамкасблар ўзаро баҳслашиб турганимизда, у:

— Одамлардан меҳр-оқибат кўтарилди, деб ўйлаганлар хато қилади. Ўзбекчилигимиз бир-биримизга меҳр-муҳаббатимиз билан гўзал, — деб қолди.

— Қани ўша меҳр? Балки айтиб берарсан, — Мухторнинг гапини бўлди ёшуллимиз Ашурбой домла.

— Бундан анча йил муқаддам бошимга ташвиш тушди, — гап бошлади шогирд. — Илк фарзандимиз ҳали эмизикли маҳал келинингиз оғир касал бўлиб қолди. Оёғида туришга қийналарди. Шифокорлар обдон текшириб, вилоят туғуруқхонасига жўнатди. Бу ерда олти ойлик болани олиб ётишга рухсат беришмади. Хотинимнинг ўзига алоҳида қаров талаб қилинарди.

“Ўзларингиз узоққа кетиб қолманг, иложи бўлса, шу яқиндан ижарага жой топинглар”, деб маслаҳат берди шифокор.

Кўчага чиқиб, нима қилишни билмай, бошим қотиб қолди.

Чор тараф кўп қаватли уй. Ҳатто қўшнилар бир-бирини танишмаса, бу ердан жой топиб бўлармиди?

Шу пайт ёнимдан ўтаётган ўрта ёшлардаги киши:

— Ука, нега паришон ўтирибсиз, — деб сўради.

— Хотиним оғир касал. Боласи ҳали кўкракдан айрилмаган, яқинроқ жойдан ижара керак.

— Шунга шундай ўтирибсизми, бизнинг хонадон мана шу домда. Ёқса, яшаб туринглар.

Фурқат ака билан шу тариқа танишдик. У киши бизга ҳамкасб бўлиб вилоят кўзи ожизлар мактабида ўқитувчилик қилар, оиласи, ўғил-қизлари билан учинчи қаватда яшаркан. Хоналардан энг шинамини бизга кўрсатиб:

— Мана шу хона сизларнинг ихтиёрингизда, — деди. — Бемалол кириб чиқаверасиз. Янгангиз нима овқат пиширса, биргалашиб еяверамиз.

Бу гапни ўзимча талқин этиб, бозорлик қилиб қайтдим. Фурқат ака қўлимдаги нарсаларни кўриб:

— Ниманинг ташвишини қилиб юрибсиз, ука? — деди норози оҳангда.

— Озроқ мева-сабзавот, гўшт олиб келгандим.

— Иккинчи бирон нима кўтариб келсангиз, хафа бўламан. Бир коса овқат кимга етмайди.

Қарийб бир ой йўргакдаги қизим, опам ва ўзим бегоналик нималигини билмай яшадик. Фурқат ака, янгамиз, фарзандлари биз қатори куйинди, ташвиш тортди. Ниҳоят, келинингиз шифо топди. Ўша куни Фурқат аканинг хонадонида ўзгача тайёргарлик кўрилди. Тўкин дастурхон бошида хонадон соҳибларига қайта-қайта раҳматимизни айтдик. Аммо... “Минг сиздан бир жиз-биз” деган гап бор. Ижара пулидан қандай сўз очишни тополмадим. Қолаверса, бу оила томонидан бизга кўрсатилган меҳр-мурувватни пул билан баҳолаб бўлмасди.

Фурқат ака биз учун такси тутиб келишга кетганидан фойдаланиб, опамнинг маслаҳати билан кўрпача остига пул қўйдим. Бу ишни ҳеч кимга сездирмадим, деб ўйлагандим. Йўқ, мезбоннинг кенжа қизи кўриб қолиб, отасига айтибди.

Хонага қайтиб кирган уй хўжаси кўрпача остидаги пулни олдида:

— Ука, бу нима? — деб сўради.

Қандай жавоб қайтаришни билмай, каловланиб турдим.

— Одамгарчиликни пул билан ўлчаб бўлмайди. Бугун мен сизга озгина меҳримни берибман, эртага у менга кимдандир қайтади. Шунча кун туз-намак бўлдик, қўйинг-эй. Чўлдан яхшигина ука топдим десам, сиз бундай қилиб турибсиз...

— Ўшандан буён Фурқат аканинг хонадони билан борди-келдимиз узилмайди. Тўй-маъракаларимиз бир-биримизсиз ўтмайди. Ана шунақа гаплар, устоз. Ҳали меҳр-оқибат ўлмаган, унинг манзили тайин. У яхши одамларнинг дилида...

**Абдунаби АБДИЕВ,**
**Миришкор туманидаги 22-мактаб директори**

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

# Халқ қалбига йўл топиш – ижодкорларнинг олий мақсади

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузасини тинглаб...**

*Ҳақиқий ижодкор эл-юрти ташвишини ўз муаммоси, шу йўлда хизмат қилишни ҳаёт мазмуни, деб билади. Ижодкор зотининг табиати бироз нозик бўлади: эътибор ва рағбатдан кўнгли кўтарилади, қалб қаватида туйғулар, онг, фикр ҳам юксалади.*

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги маърузасини тинглаб, шулар хаёлимга келди. Бир неча марта қувонч, ҳаяжон, шукроналик ёши келди кўзимга! Элнинг дардини, қувончу ташвишларини ўзиники, деб билган ижодкоргина юраклардан жой олади.

Миллий адабиётимиз ҳам том маънода янгиланиш ва юксалиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов адабиётга эътиборни – маънавиятга, келажакка эътибор, деб билди. Бу жараёнда ёзувчи-шоирларимиз ҳам ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, ўз ижодига, қалб амри билан танлаган касбига содиқ қолиб, миллий ўзлигимизни англаш, халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Истиқлол йилларида адабиётимизга эътибор кун тартибидан тушгани йўқ, десак бўлади. Биргина мисол. 2010 йилдан буён Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод" фонди томонидан "Биринчи китобим" сериясида 73 номда, жами 1 миллион 220 минг нусхада ёш ижодкорларнинг китоблари нашр этилди.

Давлатимиз раҳбари «шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан давом эттирамиз», деди. Бу борада ижодкорлар қалбига йўл топиб, энг тўғри йўналишни кўрсатди: "Бугун биз "ижодкорларимиз ишламаяпти", деб сизлардан, сизлар эса "давлат ёрдам бермаяпти", деб биздан гина қилиб ўтиришимизнинг мавриди эмас. Келинглар, бугун ўз олдимизга "Ким айбдор?" деб эмас, "Ким нима қилиши керак?" деган савол қўяйлик».

Давлатимиз томонидан ижодкорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароит ва имкониятларга эътибор берайлик: Адиблар хиёбони ҳудудида Ёзувчилар уюшмаси учун алоҳида бино қурилаяпти, ушбу янги бинода "Ижод" жамоат фонди, "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока", "Ёшлик" журналлари ҳам жойлашади; бу ҳудудда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида кўп қаватли 2 уй барпо этилади; яқин келгусида Зомин ва Паркент туманларининг сўлим ва хушманзара, илҳомбахш ҳудудларида ижодкор зиёлиларимиз учун замонавий ижод уйлари — коттежлар қурилиши режалаштирилмоқда; Олий адабиёт курси тикланмоқда; Ўзбекистон ёш ижодкорлари семинари ташкил этилади; қалам ҳақи оширилади...

Хўш, энди биз ижодкорлар бунга жавобан нима ишларни амалга оширишимиз керак?

Аввало, ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз асарларнинг халққа тақдим этилишига чек қўйсак, айни муддао бўларди. Ижодий уюшмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланса, «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттирсак, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдалансак, албатта, бу юксак эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўламиз. Жаҳон маданияти, илм-фани ривожига хисса қўшган улуғ аждодларимиз билан фахрланибгина қолмай, уларнинг бой меросини, ҳаёти ва фаолиятини, тарихимизнинг нодир саҳифаларини адабий-бадиий асарлар, кино санъати орқали дунё аҳлига муносиб тарғиб этиш жуда муҳимдир.

Кино, театр асарлари ва бошқа йўналишлардаги санъат асарларининг ўзагида адабиёт туради. Лекин бугун баъзи режиссёр ёки қўшиқчилар ўзи сценарий ёхуд қўшиқ матнини ёзиб, шу мазмун-матрасиз матн асосида фильм ёки қўшиқларни кетма-кет чиқармоқда. Бундай "асарлар" маънавиятимизга, ёшлар тарбиясига, савиясига путур етказувчи зарарли тарғибот воситасига айланиб қолмоқда. Демак, бу масалада ҳам катта ижодкорларимиз жиловни қўлга олишлари керак.

Президентимиз озодлик ва эрк куйчиси Чўлпоннинг "Адабиёт яшаса, миллат яшар" деган ўлмас сўзларини келтириб, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини яна бир бор таъкидлади. Дарҳақиқат, адабиёт ҳаётимизни, халқимиз характерини, портретини акс эттирувчи ойина экан, ёшларни қандай қилиб адабиётсиз, китобсиз тарбиялашимиз мумкин? Бугун китобхонликни кучайтириш давлат сиёсатига айланди. Бу борада жорий йил бошида Президентимиз фармойиши қабул қилинди. Буюк тарихимиздан, дунёга машҳур аждодларимизнинг оламшумул ишларидан, оддий меҳнаткаш халқимизнинг улуғ мақсадларидан фахрланиш ва уларга муносиб бўлиш ҳиссини ёшлар қалбига бадиий асарлар орқали сингдиришимиз керак.

Андижон вилоятида Муҳаммад Юсуф номидаги бир юз эллик ўринли ёш ижодкорлар мактаби бу йил фойдаланишга топширилади. Шоир номида барпо этилаётган хиёбонга унинг ҳайкалини ўрнатиш, шоирнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи музей ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу маскан келажакда халқимиз ва ёш авлод учун энг файзли маданият ва маърифат марказларидан бирига айланиши шубҳасиз.

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил вилоятимиз аҳли учун Бобур йили деб эълон қилинди. Шу кунларда Андижон шаҳрининг Боғишамол ҳудудидаги "Боғи Бобур" дам олиш масканида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари авжида. Бобур номи билан боғлиқ қадамжоларни нафақат юртдошларимиз, балки чет эллик меҳмонлар учун ҳам зиёратгоҳга айлантириш кўзда тутилган. Ҳар бир ташкилот, муассаса, корхоналарда улуғ шоирнинг асарларини ўқиб-ўрганиш соатлари ўтказилмоқда. Маънавият хоналари, ахборот-ресурс марказлари, янги ташкил этилган кутубхоналар шоирнинг адабий мероси билан бойитилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, шу кунгача яратилган асарлар шахсий ташаббус, шахсий имконият асосида дунёга келди. Янги асарни китоб ҳолида чоп этиш, халққа етказиш учун маблағ қидириш оғриқ нуқта бўлиб келди. Ёзувчининг қишлоқдан пойтахтга бориб, нашриётларга, таҳририятларга учраши, мақсадларига етиб-етмай қишлоғига қайтиши ҳам Президентимиз назаридан четда эмас экан. Энди давлатимиз раҳбарининг эътибори ва шу эзгу мақсадлар учун кенг йўл очиб бераётганидан оқилона фойдаланиб, бу борадаги муаммоларга ҳам биргаликда бархам беришимиз керак. Бунда нашриётларга берилаётган кенг имконият, имтиёз ва преференциялар ижодкорлар учун ҳам кенг йўл очади. Ишонамизки, энди ҳақиқий ижодкорлар китоб чиқариш учун ойлик маоши ёки пенсия пулини йиғиб топширишига ёки чоп этилган китобларни сотиш учун елиб-югуришига ҳожат қолмайди.

Шу ўринда етакчи ижодий ташкилотларнинг дўстлари клуби ташкил этилиши катта аҳамиятга эгадир. Жуда кўп муаммоларнинг ижобий ечими айнан маърафатпарвар ҳомийларнинг дўстлик ёрдамлари асосида ҳал этилиши аниқ кўрсатиб ўтилди. Андижонлик ижодкорлар Хоразмни, Сурхон элини ёки Қоракалпоқ юртини кўргиси, у ерда яшаётган дўстлар билан ижодий мулоқотлар қилгиси келади. Юртимиздаги жаннатмонанд сиҳатгоҳларда даволаниб қайтган, Зомин ёки Паркентда қурилаётган ижод уйларида эмин-эркин, яйраб ижод қилишга муяссар бўлган адиб яхши асарлар яратмаслиги мумкинми? Албатта, ёшларни тарбиялаш, уларга адабиёт сирларини беминнат ўргатиш доимо ҳар бир ижодкор учун бурч, масъулият ҳисобланган. Бу улуғ устозларимиздан мерос. Давлатимиз раҳбари яратиб бераётган шароитларда бундай эзгу ишларни амалга ошириш ҳар бир адиб учун чинакам бахт, юксак фахр эмасми!

Вилоятимизда 2005 йилдан буён "Бобур издошлари" адабий тўгараги жамоатчилик асосида фаолият юритади. Тўгаракнинг бағри ҳар бир ёш ҳаваскор учун очиқ. Тўгарак аъзолари Юлдузой Ўрмонова, Саидабону Абдусаломова, Ойдиной Абдумуталибова, Гўзалой Абдуллаева, Илтижо Тоштемирова Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари бўлди. Зулфира Нўъмонова, Эъзоза Обиджонова, Дилфуза Қурбонованинг "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод" фонди томонидан илк китоблари чоп этилди. Қатор истеъдодли ёшларимиз олий ўқув юртларини тамомлаб, катта ҳаётга, катта адабиётга қадам қўйди.

Ёшлар ичида бадиий ижодга қизиқадиганлари жуда кўп. Ҳамиша қалб амримиз бўлиб келган севимли машғулотимиз — ёшларимиза ижод сирларини ўргатиб, илк китоблари чоп этилишига ҳисса қўшиш учун тўла имкониятлар яратилмоқда. Китоблар учун маблағ ҳам ҳал этиб берилиши жуда қувончли. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсининг қайта ташкил этилиши ҳам ёшлар учун жуда катта имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз.

Маънавий ҳаётимизни янги босқичга кўтаришда адабиётнинг, санъатнинг аҳамияти катта. Асарларимизда янги руҳ, янги изланиш бўлиши учун халқнинг дарду ташвишлари, орзу-интилишлари билан бирга яшашимиз, ҳамиша халқ билан ҳамнафас бўлишимиз лозим. Улкан бунёдкорлик ишларини, барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни, ютуқ ва марраларни бетакрор бадиий бўёқларда акс эттириш айнан биз ижодкорларнинг зиммамиздадир. Бунда зўрма-зўракиликка чек қўйиб, Президентимиз айтганидек, маданий ҳаётимизда воқеа бўладиган замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш бугунги кун талабидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади", деган фикрни қатъият билан таъкидлади. Буюк марраларга эришиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди бизга.

Яратган ижод аҳлига одамларни ортидан эргаштира олиш қобилияти, руҳиятга, қалбларга таъсир ўтказиш хусусиятини ато этган экан, бундан унумли фойдаланиш, жамиятга шу тарзда наф келтириш ҳам қарз, ҳам фарздир. Ахир халқимиз дардию қувончига шерик бўлиш, уларнинг қалбига йўл топиш ва бу йўлда саодатга эришишдан олий мақсад борми инсонга?!

***Хуршида ҚЎЧҚОРОВА,***
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари.**
**ЎзА**

## Sharq taronalari – 2017

**Самарқандда "Шарқ тароналари" ўн биринчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, фестиваль матбуот хизмати раҳбари С.Остонов, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари А.Умаров ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган мазкур халқаро тадбир бугунги кунда жаҳон миқёсида нуфузли санъат анжуманига айланганини таъкидлади.

Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш, бой тарихимиз, бетакрор маданиятимизни тарғиб этишни мақсад қилган фестиваль иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб, ер юзининг барча қитъаларини қамраб олди. Кўплаб давлатлар тадбирнинг доимий иштирокчиларига айланди.

# Тайёргарлик қизғин

— Ҳозиргача дунёнинг юздан ортиқ давлати вакиллари ҳамда ЮНЕСКО, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро фольклор санъати ташкилоти, Осиё тараққиёт банки сингари йирик тузилмалар фестивалда иштирок этди, — дейди "Шарқ тароналари" ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали ижрочи директори Т.Холиқов. — Бу йилги фестивалда ҳам сайёрамизнинг турли минтақаларидан 120 га яқин жамоа қатнашиши кутилмоқда. Қозоғистон, Исроил, Эрон, Россия, Бельгия, Италия, Канада, Бразилия, Грузиядан бир нечтадан мусиқа жамоалари иштирок этиш истагини билдириб, дирекциямизга мурожаат қилди. Бугунги кунгача улар орасидан 38 жамоа саралаб олинди. Ўн биринчи фестивалда илк бор Ямайка, Малави, Мянма ва Уругвай давлатларининг вакиллар иштироки кутилмоқда. Юртимиздан ҳам 20 га яқин мусиқий жамоадан танловда қатнашиш истаги билдирилган бўлиб, айни пайтда саралаш жараёни давом этмоқда. Умуман, бу йил 56 давлатдан 250 нафар хорижлик санъаткорнинг Самарқандга келиши режалаштирилган.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дирекцияси бир қатор хорижий давлатлардаги халқаро санъат фестиваллари билан ҳамкорлик ўрнатган. Жумладан, Жанубий Кореянинг «Андонг» халқаро фестивали, Хитойнинг «Шанхай халқаро санъат» фестивали вакиллари "Шарқ тароналари"га меҳмон сифатида таклиф этилган. ЮНЕСКО, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти масъул ходимлари, бир қатор давлатларнинг расмий вакиллари фахрий меҳмон сифатида келиши кутилмоқда.

Бу йил фестиваль доирасида "Шарқ халқлари мусиқа маданияти миллий анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилади. Унда 20 дан ортиқ хорижлик таниқли мусиқашунос олим, мутахассис ўз маърузалари билан иштирок этади.

Фестивалнинг аҳамиятини янада ошириш, дунё ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон мусиқа маданиятига қаратиш мақсадида хорижлик мутахассислар иштирокида 20 дан ортиқ махсус давра суҳбати, тақдимот ва маҳорат дарслари ўтказиш режалаштирилган.

Анжуманда фестивалга тайёргарлик бўйича шакллантирилган ишчи гуруҳлар фаолияти, Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

**F.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

# Ўқитувчи яратган дастур

## ўқувчи тасаввурини ривожлантиради

***Жиззах шаҳридаги 6-мактабдаги ҳар бир услубий бирлашма аъзоси ўз фани юзасидан бирор долзарб мавзуни ёритиш бўйича кичик илмий иш олиб бориши анъанага айланган. Информатика фани ўқитувчиси Рустам Муродов ҳам ўқувчиларда бошланғич синфдан бошлаб шакллар ясаш ва уларни координаталар системасида акс эттириш кўникма ва малакасини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилган.***

Декарт координаталар системаси, айлана радиуси, x ва y ўқи ҳақидаги маълумотлар юқори синфларда ўргатилади. Бу билимларни компьютер дастури орқали қуйи синфларда ҳам бериш ўқувчининг тасаввур оламини бойитади. Шу мақсадда муаллим "Koordinat" шакл ясаш конструкторлик электрон дастурини ишлаб чиқди. Дастур ёрдамида ўқувчилар ёшига мос тарзда айлана, тўғри тўртбурчак ва кесма ёрдамида шакллар, чизмалар, мураккаб ёки оддий шаклларни ясаши мумкин. Шаклларнинг координаталарини белгилашда $x_1$, $x_2$, $y_1$, $y_2$ ва радиус каби сон қиймат талаб қилувчи катаклар тўлдирилади. Шаклларни жойлаштириш ва унинг координаталарини белгилашни бир неча марта такрорлагандан сўнг кўникма ҳосил бўлади. Натижада ўқувчи юқори синфда функциялар графиги, шакллар юзи, узунлиги ҳамда геометрия ва чизмачилик фанларини ўзлаштиришда қийналмайди.

Ўтган ўқув йилида дастурдан фойдаланиб, ўқувчилар ўртасида мавзуга доир мусобақалар ташкил этилди. «Энг яхши электрон расм», «Энг яхши электрон чизма» каби танловларда ўғил-қизлар фаол иштирок этди.

**Бошланғич синф ўқувчилари "Koordinat" дастурида ясаган шакллардан намуналар:**



**Зилола МАДАТОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**Sinab ko'ring**

***Ўқувчини китобга қизиқтириш ва китобхонликни тарғиб қилишда интерфаол усуллардан фойдаланиш яхши самара беради. Тажрибамда ана шундай ноанъанавий дарс ўтиб, ўқувчиларимни мутолаага қизиқтириб бораман. Мисол учун, 8-синф адабиёт дарсида Асқад Мухтор ҳаёти ва ижодини ўрганишга бир соат, "Чинор" романи таҳлилига уч соат, жами тўрт соат ажратилган. Дастлабки соатда ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар келтирилган. Кейинги соатда "Чинор" романидан берилган парча матни устида ишланади. Учинчи дарсда "Асар қаҳрамонлари таҳлили" мавзуси ўтилади. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.***

# «Дўстим, сени ҳурмат қиламан, лекин...»

"Тимсоллар тилидан" усулида ўқувчиларнинг барчаси қамраб олиниб, тўртта кичик гуруҳга ажратилади. Гуруҳлар учун тўрт қаҳрамон: Акбарали, Бектемир, Очил бува, Шарофат опа образлари қуръа ташлаш йўли билан тақсимланади. Ўқувчилар қаҳрамонлар тилидан гапириб, ички кечинмаларини ҳис этган ҳолда саволларга жавоб беради.

Фикрлар тинглангач эксперт гуруҳи хулосасини билдиради. Барча образлар таҳлил қилинади. Бунда ўқувчилар қаҳрамонларнинг яхши ва ёмон ишларини санаб, уларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўради. Ўз нуқтаи назари билан муаммога ечим топади.

"Аччиқ-чучук" усулида ўқувчилар образларга ўз муносабатини икки хил усулда, яъни салбий (аччиқ) ва ижобий (ширин) мазмунда қуйидаги формула асосида билдиради.

*Дўстим..., сени ҳурмат қиламан, чунки сен ...*

*Дўстим..., сени ҳурмат қиламан, лекин сен ...*

Биринчи формулани тўлдириш учун ҳар қандай асар қаҳрамонидан фақат яхши хусусиятлар топиш керак. Унга ўзининг дўсти сифатида таъриф беради, яхши ишларини эслайди, ҳар бир ҳаракатидан ҳикмат қидиради.

*Масалан: — Дўстим Бектемир, сени ҳурмат қиламан, чунки сен олижаноб, қўрқмас, жасур, ватанпарвар инсонсан.*

Иккинчи формула ўқувчини ўйлашга чорлайди ва қаҳрамоннинг ёмон сифатларини ёзишга шошилмайди. Дўст сифатида аччиқ, лекин керакли сўзларни ёзишни маъқул кўради.

*Масалан: — Дўстим Бектемир, сени ҳурмат қиламан, лекин сен ўйламай иш қиладиган одамсан, ташқи кўринишингда нуқсон(бир кўзли)инг бўлса ҳам, уялмайсан, ҳаммага керакман деб ўйлайсан. Оилангга бир қадам қолганда нега ўйламай иш қилдинг? Сен қуруқ қўл билан борганингда ҳам оиланг хурсанд бўлар эди, улар сенинг пулингни эмас, ўзингни кутишаётган эди...*

"Асар ғоясининг таҳлили"да "Ғоялар чўққиси" усулини тавсия этамиз. Бунда барча ўқувчилар жалб қилиниб, икки гуруҳга ажратилади. Уларга ёпишқоқ шаклли қоғозчалар (стикер) тарқатилади. Асар мазмунидан келиб чиқиб, катта ва кичик ғояларни қоғозчаларга ёзиб, синф доскасининг ўзларига ажратилган қисмига ёпиштиришади.

Мисол учун, жасоратли бўлиш, қўрқувни енгиш, отанинг дўсту биродарларини ардоқлаш, онани ҳурмат қилиш, она васиятини бажо келтириш, ўз жонига қасд қилмаслик, чин қаҳрамонни тан олиш каби ғояларни ёзиш мумкин. Қайси гуруҳнинг чўққиси баландроқ бўлса, ғояга ёт фикр қўшилмаса, шу гуруҳ ғолиб деб топилади. Ўқитувчи томонидан ҳар иккала чўққини бирлаштирувчи шиор ёзилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўқувчини бадиий асарга шунчаки қизиқтириб бўлмайди. Асар ҳақида гапириб, парча ўқиб бериш ёки қизиқарли саволлар орқали диққатини тортиш мумкин. Агар ўқувчи дарсликдаги парчадан таъсирланса, ўша асарни тўлиқ ўқишга ҳаракат қилади. Уларни бунга даъват этишда юқоридаги усуллар ҳам қўл келади.

**Шаҳло ОШИҚОВА,**
**Мингбулоқ туманидаги**
**13-ИДУМнинг она тили ва адабиёт**
**фани ўқитувчиси**

# -НИНГ ва -НИ қўшимчаларини ажрата олинг!

***Ўқувчилар нутқида қаратқич келишиги қўшимчаси (-нинг) ва тушум келишиги қўшимчаси (-ни)ни фарқлай олмаслик ҳолати кўп кузатилади. Назарий қоидаларни чуқур ўргатиш орқали муаммога ечим топиб бўлмайди. Бунинг учун кўпроқ амалий машқлар, турли ўйин усулларидан фойдаланиш кутилган натижани беради.***

Аввало, ўқувчиларнинг келишик қўшимчалари бўйича ўзлаштирган билимларини мавзуга доир тест топшириқлари орқали синовдан ўтказиб оламиз:

**1.** Келишик қўшимчалари қандай вазифа бажаради?
A) Янги сўз ҳосил қилади;
B) Янги сўз шакли ҳосил қилади;
D) Сўз бирикмалари ва гапларда сўзларни боғлайди;
E) Қўшма сўз ясайди.

**2.** Қандай ҳолатларда тушум келишиги белгиси қўлланади?
A) Атоқли от билан ифодаланса;
B) Эгалик аффиксини олган бўлса;
D) Отнинг сифатловчиси бўлса;
E) A, B жавоблар тўғри.

**3.** *Ер ҳайдасанг куз ҳайда.* Мақолда қайси келишик қўшимчалари белгисиз ишлатилган?
A) Ўрин-пайт, жўналиш;
B) Тушум, ўрин-пайт келишиги;
D) Тушум келишиги;
E) Ўрин-пайт келишиги;

Тест топшириқларини шу тариқа давом эттириш мумкин. Муҳими, ўқувчилар эгаллаган билимларини такрорлаб, хотирасида мустаҳкамлаб олиши лозим. Сўнг уларга матн тузиш, машқ бажариш каби вазифалар берилади.

Келишик қўшимчалари матнда яққол кўзга ташланади. Бадиий асарлардан мисоллар топиш ва ундаги қаратқич ҳамда тушум келишикларини ажрата олиш ўқувчиларнинг нутқий саводхонлигини оширади. Шу боис дастлаб машқларни бажариш орқали ўқувчиларга пухта билим беришга интиламиз.

**1-машқ.** Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридан олинган гапларни ўқинг. Қаратқич келишиги қўшимчасининг ишлатилишига эътибор қилинг.

*1. Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир аллома Мирзо Улуғбекнинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди. 2. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди. 3. Бу беназир аллома ўзида минглаб юлдузларнинг ҳаракатини жамлаган мукаммал астрономик жадвални яратди. Ушбу жадвалда зикр этилган илмий маълумотларнинг нақадар аниқ ва тўғри эканини бугунги энг замонавий асбоблар ҳам тасдиқлади.*

**2-машқ.** Нуқталар ўрнига қаратқич ёки тушум келишиклари қўшимчаларидан бирини қўйинг. Қайси вақтда қаратқич, қайси вақтда тушум келишиги ишлатилишини тушунтириб беринг.

*Деразам... олди, гул... ҳидлади, қалам... ранги, қалам... берди.*

Келишик қўшимчаларининг бу икки турини ажрата олишнинг яна бир самарали усули — боғланишли матн тузишдир. Унда ўқувчининг ёзма ва оғзаки нутқи ривожланиши билан бирга келишик қўшимчаларини ажрата олиш кўникмаси мустаҳкамланади. Турли рангли расмлар, фотолавҳалар асосида матн яратиб, унда келишикларнинг ўрни, вазифаси тушунтирилса, мавзу янада батафсил очиб берилади.

Бундан ташқари, ўтилган мавзулар юзасидан такрорлаш, мустаҳкамлаш соатлари ҳамда дарсларнинг мустаҳкамлаш қисмларида диктантлар олиниши ҳам қўшимчаларни янада пухта ўрганишга замин яратади.

Амалий машғулотларга бу тариқа кенг ўрин берилиши эртанги кунимиз эгаларининг билимдон, зукко ва юксак дидли, маънавиятли бўлиб улғайишига хизмат қилади.

**Мукаддасхон ЭРГАШЕВА,**
**Шаҳрихон туманидаги**
**65-мактабнинг она тили ва**
**адабиёт фани ўқитувчиси**

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

# Мактаб ярмаркалари

## узоқни яқин, мушкулни осон қилади



Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб ярмаркаларини ташкил этиш бўйича ўтказилган медиа-тур давомида Халқ таълими вазири У.Иноятов бу ҳақда батафсил маълумот берди. Таъкидланганидек, юртимиз бўйлаб 1325 та мактаб ярмаркаси ташкил этилади. Ярмаркаларнинг асосий қисми, яъни 927 тасининг фаолияти умумий ўрта таълим мактабларида йўлга қўйилиб, уларга ҳудудлардаги 5685 та таълим муассасаси бириктирилади. Шунингдек, ярмаркаларнинг 205 таси академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, 193 таси аҳоли гавжум бўлган бозорларда ташкил қилинади. Натижада 6 миллион 152 минг нафардан зиёд ўқувчиларнинг асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси, кийим-кечак ва пойабзаллар олишида қулайликлар яратилади.

Мактаб ярмаркаларида 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлари сотуви йўлга қўйилади. Жойларда ташкил этиладиган савдо нуқталарига асосий турдаги маҳсулотларни аниқланган эҳтиёж асосида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси, "Ўздавкитоб — таъминотсавдо", "Шарқ зиёкори" МЧЖ ва "Шарқ" компанияси етказиб беради.

Ярмаркалар фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилмоқда. Ярмаркалар ташкил этиладиган таълим муассасаларининг ҳовли фойеларида алоҳида жойлар ажратилиб, зарур жавонлар билан жиҳозланмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ ходимлари медиа-тур доирасида Олмазор туманидаги 243-мактабда ташкил этилган намунавий мактаб ярмаркаси билан таништирилди.

— Набирам бу йил 1-синфга чиқади, — дейди ярмаркага келган Марғуба Ҳакимова. — Анчадан буён мактаб формаси қандай бўлади, деб қизиқиб сўрайверарди. Мактаб ярмаркаси ташкил этилганини эшитиб, борайлик, дея ҳеч тинчлик бермади. Набирамга мактабда жорий этилган қизлар формаси — тўқ қизил рангдаги юбка, оқ кофта ва тўқ қизил рангли нимча жуда манзур бўлди. Кийимлар саломатликка зарар етказмайдиган, табиий пахта матосидан тикилган. Муҳими, бичимида қизларнинг ҳаёли-иболи кўринишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

**Айтиш жоиз, ярмаркаларда сотиладиган маҳсулотлар нархининг сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик, ўқув анжомларининг сифатини назорат қилиш, тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди идоралар томонидан доимий назорат ишлари олиб борилади.**

Шу куни "Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт марказида ҳам ўқув қуроллари, адабиётлар, болалар кийим-кечаклари ҳамда пойабзаллар Республика кўргазмаси ўз ишини бошлади. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишмоқда.

— Фарзандларим Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактабнинг 8-, 9-синфида таҳсил олади, — дейди ота-оналардан бири Ирода Соатова. — Мактабда ота-оналар қўмитаси раисиман. Мактаб маъмурияти билан келишган ҳолда 4 нафар ўқувчини вакил сифатида кўргазмага олиб келдим. Мактаб формаларини болалар кийиб кўришди. Ярашган, маъқул келган либосларни танладик. Ўқитувчилар ва ота-оналар билан кенгашиб, мактаб ўқувчилари учун бир хил форма тикиб бериш бўйича ишлаб чиқарувчиларга буюртма бермоқчимиз. Чунки маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар қўлидан тўғридан-тўғри харид қилиш биз, ота-оналарга анча арзон тушади. Қолаверса, мактабдаги барча ўқувчида бир хил форма жорий қилинса, кимўзарга кийиниш, айниқса, қизлар орасида кийимларини кўз-кўз қилиш ҳолатларига ўрин қолмайди.

**Зилола МАДАТОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**



В.ГРАНКИН олган суратлар.

**2017-yil – Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili**

***Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, республикамизнинг ҳар бир ҳудудида "Халқ қабулхоналари" ташкил этилиши мурожаатларнинг ўз вақтида, ўша ҳудудда ҳал этилишига имкон яратмоқда. Таълим муассасаларида иш бошлаган "Ота-оналар маслаҳатхонаси" ёш авлод таълим-тарбиясини ижобий томонга ўзгартиради. Шу йилнинг январь ойида марказимизда ташкил этилган "Ота-оналар маслаҳатхонаси" мавжуд хато ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, муаммога ечим топиш воситаси бўлмоқда.***

# Ота-оналар маслаҳатхонаси – мулоқот майдони

Ҳозиргача маслаҳатхонага аҳоли томонидан 400 дан ортиқ мурожаат бўлди. Асосан, марказ қошида ташкил этилган тўгараклар фаолияти, мураббийлар малакасини ошириш, ахборот-ресурс маркази хизматидан фойдаланиш тартиби, тадбирлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ таклиф-мулоҳазалар ўрганилмоқда. Жумладан, марказ аъзоси Муҳаммадкамрон Қобиловнинг онаси Мунаввар опа "Картинг" ва "Автосервис хизмати" тўгарагини ташкил этишимизни сўраб, мурожаат қилди. Унинг таклифи кўплаб тарбияланувчиларимизнинг техникага бўлган қизиқиши билан боғлиқ бўлгани боис, янги 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб "Автосервис хизмати", "Картинг" ҳамда "Архитектура ва дизайн" тўгараклари фаолиятини йўлга қўймоқчимиз. Янги ўқув йилидан бошлаб марказда "Техника кунлари"ни ўтказиш белгиланди. Режага кўра, ҳар ойда бир марта ташкил этиладиган "Техника кунлари"да ижодий кўргазма, "Биз — аждодларимизга муносиб авлодмиз" шиори остида беллашув, малакали мутахассислар иштирокида маҳорат дарсларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Марказимизда ўсмир қизлар учун "Бичиш-тикиш", "Мунчоқли безак", "Рақс", "Тасвирий санъат" каби тўгараклар мавжуд. Шундай бўлса-да, айрим ота-оналар "Қизим техникага қизиқади, у шу йўналишдаги тўгаракда шуғулланиши мумкинми?" дея мурожаат қилишади. Ота-оналар талаби ва ўқувчилар қизиқишига ҳеч кимнинг монелиги йўқ.

Маслаҳатхонамиз ходимлари мурожаатни инобатга олишда бир неча усулни қўллашади. **Индивидуал суҳбат:** мурожаат қилувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбат ўтказилиб, саволнома асосида бола қизиқиши аниқланади. Катта ёшли ўқувчи саволномани мустақил тўлдирса, кичик ёшдагисига ота-онаси кўмаклашади.

Ҳар ой якунида мониторинг таҳлили ўтказилиб, зарур ҳолларда ота-оналар, ўқувчи хоҳиш-истакларига мувофиқ янги тўгарак ташкил этилади.

**Ота-оналар йиғилиши** ўқув йилида икки марта, яъни ҳар ярим йиллик якунида ташкил этилади. Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талабларининг бажарилишини аниқлаш мақсадида оралиқ ва якуний назорат ишлари ўтказилиб, боласининг ўзлаштириш даражаси ота-оналарга маълум қилинади.

**Ота-оналарни очиқ машғулотга таклиф этиш** — эркин жараён. Мулоқотта бошқа таълим муассасалари педагог ва тарбиячилари, маҳалла фаоллари таклиф этилиши мумкин. Иштирокчилар тўгарак раҳбарлари машғулотини кузатади, ютуқ ва камчиликларини муҳокама қилади. Бу таълим-тарбия самарадорлигини таъминлайди.

Ота-оналарнинг тадбирдаги иштироки болаларга завқ-шавқ беради, янада кўпроқ изланишга чорлайди.

**АРМ хизматидан фойдаланиш** — аҳолини ахборот билан таъминлаш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш усулидир. Ахборот-ресурс марказимизга 850 нафар ўқувчи ва 50 нафардан ортиқ ота-она аъзодир.

**Сайёр учрашув** маҳалла фаоллари, ота-оналар билан ҳамкорлик қилишнинг энг қулай усули. Марказимиз ходимлари Чилонзор туманидаги Хирмонтепа, Шуҳрат, Мевазор, Яккатут маҳаллаларида сайёр учрашув ташкил этди. Унда 200 дан ортиқ аҳоли мактабдан ташқари таълим тизими янгиликларидан хабардор қилинди.

Қисқаси, "Ота-оналар маслаҳатхонаси" фарзанд тарбиясида учрайдиган турли бўшлиқларни аниқлашга имкон яратаётгани учун унинг фаолиятини янада такомиллаштириш ниятидамиз.

**Хадича ЗОКИРОВА,**
**"Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёти маркази директори**

Ma'rifat
2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)



# Тилшунос эмас, тил эгасини тарбиялаш лозим

***XX аср охири ва XXI аср боши ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга бой бўлди. Инсонларнинг фикрлаш тарзи, шу билан боғлиқ ҳолда мулоқот атворида бу ўзгаришларнинг таъсири сезилди. Узоқ йиллар сиқиқ муҳитда яшаган ва бошқача мулоқот усуллари билан тўқнашмаган тил ташувчилари бу қадар глобал ўзгаришлар олдида объектив баҳолаш йўлидан боряпти, дейиш қийин. Мулоқотнинг бу пайтга довур кўрилмаган усули — интернет кириб келди. Хўш, мулоқот шаклларининг бундай хил тараққиётига мактаб таълими қай йўсин жавоб бермоқда? Бизнингча, дарс шакллари ва мазмуни деярли ўзгармаган. Ўғил-қизларимиз биз уларнинг ёшида тасаввур ҳам қилмаган мулоқот уммонида ўз ҳолича сузиб юрибди. Умуман, сўзимиз шу ҳақда. Таълим тизимида она тилини ўрганишга эҳтиёж борасида.***

Хўш, таълим тизимида она тилини ўрганишга эҳтиёж борми? Бир қарашда, саволнинг ўзи хато. Бироқ тасаввур қилинг, айни савол берилсаю, "ҳа" ва "йўқ" дегувчилардан тузилган икки қарама-қарши гуруҳ пайдо бўлса, уларнинг қандай асослари бўлар эди?

**"Йўқ" дегувчилар.** Бола мактабга она тилида мулоқот қилиш малакаси билан келади. Албатта, у она тилини илмий жиҳатдан билмайди. Бироқ буни билиш унга шартмикан? У етти ёшга киргунгачаёқ унли ва ундошларни назарий билимларсиз бемалол ўз ўрнида қўллаб, бўғинлардан сўзлар туза олиш малакасини ўзлаштириб олган. Содда ва қўшма гапларнинг таъриф ва таснифларини тўлиқ англамай туриб ҳам, улардан кундалик эҳтиёжига кўра ўз ўрнида фойдаланиб келмоқда. Бирор икки-уч яшар боланинг бўғин тузиш учун қийналиб, опа-акасидан ёрдам сўраганини ҳеч кўрганмисиз? Она тилига доир малакалар шу қадар тез қўлга киритиб бориладики, агар ҳозирги расмий таълим йўсинларимизда бу билимларни бериш бирор муаллим зиммасига юкланса, ишонинг, энг ибтидоий нутқ малакаси тахминан йигирма ёшларда эгалланади. Тил қоидаларини билмай туриб мукаммал нутқ тузиб бўлмайди, деган фикр тўғри.қ Аммо бусиз ҳам бола тил қоидаларини ўзи генетик ва ижтимоий-маиший имкониятлари даражасида ўзлаштириб бораверади. Тилда шундай қоидалар борки, уларни шакллантириш деярли имконсиз, аммо тил ташувчилари ушбу қоидалардан адашмай фойдаланадилар. Болалар нутқи бўйича кўзга кўринган тадқиқотчилардан С. Н. Цейтлин "Язык и ребенок. Лингвистика детской речи" китобида мисоллар келтирар экан, ёзади: *карий* сўзи фақат *глаз* сўзи билан қўлланиши ёки ***стн*** товушлари қатор келиб қолса (масалан, *лестница*), ўртадаги товуш; ***лнц*** товушлари қатор келиб қолса (масалан, *солнце*), биринчи товуш тушириб талаффуз қилиниши лозимлиги борасида қандай қоида бор? Ўзбек тили мисолида ҳам бундай ҳолатларни кўплаб кузатиш мумкин: қайси ўринда унлини олд ёки орқа қатор қилиб талаффуз қилиш борасида болалар ҳеч адашмайди. Бироқ филолог талабаларга шундай мисол келтиринг, деб кўринг — ўйланиб қолади ва ҳоказо.

**"Ҳа" дегувчилар.** Она тили таълими умуман таълим тизимида алоҳида ўрин тутади. Гегель таълимда хусусийликларгагина асосланиш болани ҳамма нарсага писандсизлик билан қарашга ўргатади, деб ҳисоблаган. Шунинг учун таълимда мавҳумотларга асосланиш боланинг кейинги ҳаёт йўлида мустақил яшаб кетиши учун имкон беради. Болага энг яқин мавҳумот эса тилдир. Гегель таъкидлаганидек, тил билиш бола руҳини хусусийликлар ва яккаликлардан умумийликка томон, онгга томон кўтариб борадиган... ҳиссий-ноҳиссий хилқатдир. Болада айнан ўша — унда мавжуд бўлган она тилига хос генетик ва ижтимоий-маиший тажрибалардан фойдаланиб туриб, умуман ҳар қандай тажрибавий кўникмаларни умумлаштириш — назарий билимларга айлантириш малакасини шакллантириш мумкин. Бошқа соҳалардаги маиший кўникма ҳамда тажрибалар болада назарий билимларни шакллантириш учун асос бўладиган даражада кўп эмас. Тўғри, бола она тилида мулоқот қила билади. Аммо бу мулоқот кўникмаси ижтимоий талаблар даражасида шаклланмаган, ўз кичик муҳити доирасига мослашгандир. Бу кўникмани малака даражасига кўтариш, сайқаллаш эса таълим жараёнида амалга ошади.

Кўринадики, ҳар икки қараш тарафдорлари ҳам ўз фикрларини исботлаш учун муайян асослар кўрсата олади. Бизнингча эса, ҳар икки гуруҳ битта муаммога икки томондан қараб турибди, холос. Аслида, она тили таълими зарур. Фақат... мураккаб ва чалкаш шаклда эмас. Ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида замон билан ҳамнафас қадам ташлашга ҳаракат қилинаётган экан, таълим жараёни ҳам бундан мустасно қолиши мумкинми?!

Бугунимиз, ҳаёт тарзимиз, ёшларимиз ўзгарди. Бугунги давр — технологиялар даври. Ахборот алмашинувлари макондан холи: хоҳлаган пайтда, хоҳлаган маълумотни оддий қўл телефонига юкланган махсус дастурлар ёрдамида билиб олиш хамирдан қил суғургандек гап. Фарзандларимизнинг ҳаётга, атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга, шунинг баробарида таълимга муносабати ўзгача. Эътибор берайлик, яқингача биз оддий арифметикани билиш учун Пифагор жадвалини ёд олишимиз зарур эди. Бу ҳаётий эҳтиёж. Ҳозир бу "операция"ларни калькулятор бажармоқда. Ёд олишга зарурат йўқ. Худди шундай грамматик қоидаларни ҳам ёдлашга эҳтиёж йўқ. Чунки улар ҳам телефон хотирасига сиғдирилган. Ёшларимиз ўз хотираларини "ортиқча" маълумотлар билан банд қилиш фикридан йироқ. Бу эса таълим мазмуни ва сифатини янгилаш зарурлигидан далолат беради. Кўринадики, бугун анъанавий таълимда устун бўлган "билиш парадигмаси" ўрнига "билимлардан муаммоли вазиятларда ўринли фойдаланиш" парадигмаси устунлик қилиб, таълимда компетенциявий ёндашувга эҳтиёж туғилди.

Компетенциявий таълим ўқувчиларнинг муайян билимлар мажмуини эгаллашидангина иборат эмас, балки шахсни ривожлантириш, англаш ва яратиш қобилиятларини ўстиришга қаратилган. Демак, она тили таълимининг мақсади қуруқ грамматикани ўқитиш эмас, балки мулоқот самарасини ошириш ҳамда ўқувчида грамматика унсурларидан ўринли фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Она тили индивиднинг шахс бўлиб шаклланишидаги энг етакчи омил. Бу имконият фақат инсонга ато этилган. Ундан фойдалана билиш кишини бошқа мавжудотлардан фарқловчи асосий хусусиятдир. Ҳазрат Навоий деганидек, *"Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин"*.

Шунга кўра, мактабда она тили таълимининг мазмуни ўқувчиларда кундалик мулоқот лаёқатини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради. Демак, она тили таълимининг устувор вазифаси нутқ ўстиришдан иборат бўлмоғи лозим. Чунки ДТСга мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режа, ўқув дастурлари ва шу асосида яратилган дарсликлардаги айрим мавзуларни, хусусан, мустақил сўз туркумларининг категориал шакллари, феълнинг вазифа шакллари (6-, 7-синф); кесимлик кўрсаткичлари, кесим масаласи, мураккаблашган содда гаплар ва қўшма гапларни ажратиш (8-синф) каби масалаларни барча ўқувчилар учун бирдек тушунарли деб бўлмайди. Ҳолбуки, бу масалалар бўйича тилшунослар ўртасида ҳам якдиллик мавжуд эмас. Фикрнинг қандай шакл ва қандай воситалар ёрдамида ифодаланганини назарий асослаш учун ўқувчида эҳтиёж йўқ. Муҳими, керакли вазиятда ўринли ва жўяли нутқ ҳосил қилиш. Бунинг учун ўқувчидан оддий грамматика қоидаларини билиш талаб этилади. Яъни, келишик қўшимчаларидан тўғри фойдаланиш, сўз тартибига амал қилиш ҳамда сўз танлаш. Мураккаб грамматика масалалари эса олий таълим муассасаларига ўқишга кириш тестларини ечиш зарруратидангина ўрганилмоқда.

Деярли бир аср давом этиб келган мустабид тузум таълимнинг ҳеч бир соҳасида она тили таълими даражасидек нохуш из қолдирмаган. Инсоният тарихига назар ташласак, ҳар қандай мустабид, босқинчи тузумлар босиб олинган миллатнинг маданияти, энг аввало, тилига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилган. Она тили таълимининг ўша даврдан "мерос" қолган шакли замонавий ижтимоий-иқтисодий талабларни қай даражада қондирмоқда? Она тили ва адабиёт учун ажратилган соатлар фақат юқори синфларнинг ўзида тахминан минг соатдан кўпроқ. Бу вақтда ўқувчи умри давомида қўллаш учун қандай билимларни эгалламоқда?

**Шу ўринда яқинда кузатганимиз бир воқеани баён этсак. Университет фаолиятига доир телекўрсатув тайёрланадиган бўлиб, аудиторияга оператор кириб келди. "Шунчаки дарс жараёнини акс эттирамиз, бирор талаба ўрнидан туриб гапириб турсин. Овози эшитилмайди", деди. Ана энди томошани кўринг. Бўлғуси филологлардан бирортаси туриб, гапириб туришга кўнмайди. "Нима дейман?", "Фалончи гапирсин", "Нега мен, ўзинг гапир", деган луқмалар босиб кетди аудиторияни. Мажбурлаб турғазилган талабанинг аҳволи ҳам ҳавас қилгулик эмас: ҳаяжонда, қизариб, дудуқланиб, ҳушдан кетгудек. Бўлғуси филологлар шу бўлгач...**

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида аёлларга психологик кўмак бериш гуруҳида ишлаш жараёнида мулоқотнинг маиший ҳаётдаги ўрнига оид кўп ҳолатлар кузатилади. Қайноналар кўпинча келинларининг муомаласи йўқлигидан шикоят қилади. Бир қайнона: "Нима десам ҳам "хўп" дейди", деса бўладими. "Ҳа, орзудагидек келин экан-да", деймиз биз ҳам. "Йўқ, у мени эшитмайди. Қутулсам бўлди, деб "хўп" дейди. Эшитсин, ўз фикрини билдирсин!". Қайнонанинг ягона эътирози шу экан. Келинпошша озода ва пазанда, кўчқордек ўғил ҳам туғиб берган. Аммо мулоқот малакаси йўқ. "Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин", деб бежиз айтмаганлар. Инсон ижтимоий-маиший ҳаётида зарур ана шу буғдой сўзни она тили сабоқларида олмаса, қайдан олади?! Албатта, халқимизнинг мулоқот малакасига оид асрлар давомида шаклланиб келган анъаналари бор. Мулоқот усуллари менталитетимизнинг таркибий қисми сифатида бизнинг лисоний онгимизда ҳам мавжуд. Бироқ оилавий таълим анъаналари анча чегараланиб қолган ҳозирги даврда мактаб таълимининг ўрни беқиёс. Бобо-бувилар билан яшаш кам ёшларга насиб этади. У ёғини сўрасангиз, бобо-бувилар ҳам шўро таълимини олиб, миллий мулоқот усулларини ўзлаштиришда ёшлардан узоқ кетмаган. Ўзи бу малакага эга бўлмаса-да, талаб қўйиш инсонга хос хусусият. Ахир чиройли инсонни ким ёқтирмайди? Чиройли мулоқот ҳам шундай. Кимгадир ҳусн табиат томонидан берилади. Кимдир эса мунтазам ўз устида ишлаб, тобора гўзаллашиб боради. Мулоқот малакаси ҳам шундай. Айнан мавжуд малакаларга сайқал бериб, йўқларини шакллантириш она тили таълимидан мақсад бўлиши лозим. Таассуф, бугун она тили таълимидан мақсад тилшунос тайёрлаш бўлиб қолди гўё. Мактаб ўқувчиси билиши лозим деб топилган она тилига доир билимлар жуда мураккаб. Мактаб ўқитувчилари эса соҳада қийинчиликларга дуч келишини айтишдан чарчамайди ва бу фикрларнинг аксари яна ўша тест жараёни билан боғлиқ. Мана, улардан айримлари (2015 йил вариантларидан).

1. Қайси восита ёрдамида бириккан эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими буйруқ-истак майлидаги феъл билан ифодаланади?

А) нисбий сўзлар; Б) *бўлса, эса* сўзлари; С) *–са* шарт майли; Д) *деб* сўзи.

Она тили ўзбек тили бўлган ўқувчи кесим шакллантиришда ҳеч адашмайди. Бироқ бу саволга жавоб топишда қийналиши аниқ. Топди ҳам дейлик. Бу машаққатидан амалий наф борми? Шу қоидани ўзлаштиргунгача нутқида қўллаб келган эргаш гапли қўшма гаплар билан кейингилари орасида қандайдир даражаланиш кузатиладими? Нега биз фарзандларимизни қояга тош думалатиб чиқаётган Сизиф ҳолига келтириб қўйяпмиз? Кундалик ҳаётида асти қўлламайдиган қоидалар билан унинг миясини тўлдириб, айни зарур билимларни эътибордан четда қолдиряпмиз, нега?




Она тили таълими борасида йиллар мобайнида фидойилик қилиб келаётган профессор ва бир қатор тажрибали амалиётчи муаллимлар ишлаб чиққан она тили фани бўйича узлуксиз таълим учун давлат таълим стандартига кўра она тили таълими олдига қўйилган ижтимоий буюртма ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив (саводхонликни) компетенцияни ривожлантиришга қаратилган. Демак, она тили таълими олдида ижтимоий жиҳатдан мукаммал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган саводхон шахсни камол топтириш мақсади турибди. Мақсадга эришиш учун ўқувчида муайян лаёқат шакллантирилиши лозим.

**Давлат таълим стандартида коммуникатив компетенция қуйидагиларни назарда тутади:**
**— жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиш;**
**— ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;**
**— ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш;**
**— мулоқотда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила олиш, уни ишонтира билиш;**
**— турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олиш.**

Кўринадики, қўлга киритилиши лозим бўлган малакалар ўта зарурий ва ҳаётийдир. Аммо мактаб таълими шакли ушбу малакаларни шакллантириш учун етарлича имкониятга эга эмас. Биринчидан, мактабда она тили таълимининг бугунги ҳолати "ижтимоий жиҳатдан мукаммал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган саводхон шахс"ни етиштириб бериш учун ожизлик қилмоқда. Иккинчидан, мактабда она тили таълими ўқитувчиларида ижодкорлик, она тили таълими олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ англаб етиш шаклланмаган. Бугунги мактаб ўқувчилари ҳам ота-оналари каби маъруза тинглаб, машқ ечиб, қоида ёдлаб вақт ўтказмоқда. Дарсликда берилган назарий муаммоларни ўқувчи учун мос ўзанга буриш учун эркин ва ижодий шакллар зарур.

Ўқувчи она тилидан таълим олиш жараёнида қўлга киритиши лозим бўлган "турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) қарорларни қабул қила олиш" малакасига тўхталсак. Бугун мактаб таълимида ана шу малакани ўқувчига етказишнинг қандай мақбул шакллари мавжуд? Муайян тажрибаларни ҳисобга олмаганда, айтарли ҳеч қандай. Она тилимиз таълими тарихида бу борада мукаммал тажрибалар ҳам мавжуд бўлган. Доцент М.Турсунова тадқиқотларига кўра, қадим мадрасаларда қуйидаги филологик билимлар берилган экан:

1. Усули ҳижоия (савтия) — бўғинга бўлиб ўқиш.
2. Илми шарҳ — тафсир.
3. Илми таҳлил — таҳлил, шарҳ, тавсиф масаласи.
4. Илми мунозара — мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.
5. Илми қироат — оҳанг ва сўз талаффузи орқали қироат.
6. Илми фасоҳат (илми балоға) — чиройли, ўринли сўзларни қўллаш.
7. Илми баён — нозик маъноларни баён қилиш(риторика)
8. Илми ғариба (ғариб) — кам сўз билан кенг маънони ифодалаш, акс эттириш.
9. Илми маоний — баён этиш, бирор нарса ёки ҳодисанинг моҳияти, мазмунини ечиб берувчи илм.
10. Илми наср ва иншо — ёзма иш тури, услуби, мактуб, ёзув саводхонлиги.
11. Илми муҳозирот — латифагўйлик, ҳозиржавоблик, зукколик.
12. Илми муаммо — бадиий санъат тури бўлиб, шеъриятдаги масала ва рамзларни ечиш усули.
13. Илми мантиқ — сўз маъноларидаги боғланиш.
14. Илми калом — нақлий масалани ақлий далиллаш, исбот қилиш.

Барчаси нутқ орқали таъсир ўтказиш борасида билим беришга йўналган. Зиддиятли вазиятлардан чиқиш, тезкор қарорлар қабул қилиш, таъсир ўтказишнинг нутқий воситаларидан фойдаланиш малакаси айнан мактабда берилиши лозим. Бизнингча, инсон ҳаёти мобайнида ҳар куни дуч келадиган муаммоларини ҳал этишда она тили асосий, кези келса, ягона қурол эканини ўқувчи билиб олиши керак.

Мулоқот эҳтиёжи инсоннинг нафас олиш, егулик, кийим-кечак ҳамда туражойга бўлган эҳтиёжи каби муҳимдир. Инсон жамиятда яшайди ва ўзи кабилар билан мулоқотга доимо ташна. Инсоният тарихига назар ташласак, фақат энг тараққий этган маданиятларгина ушбу эҳтиёжни таъминлай олганини кузатамиз. Бугун бизнинг жамиятимиз шундай тараққиётга эришдики, инсоннинг мулоқот эҳтиёжини қондириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланиши ҳар бир тилшунос олимни ҳаяжонга солди. Мулоқот ва манфаат тушунчаларининг бундай боғланиши бу чуқур фалсафий, илмий муаммонинг оммабоп ечимини топишга давлат сиёсатининг устувор бўғини сифатида қаралаётганини кўрсатади. Тилшунослик фани олдида турган энг катта муаммолардан бири манфаатли мулоқотни таъминловчи лисоний қоидаларни ишлаб чиқишдир. Мулоқотнинг манфаатли бўлишини қуйидаги бир неча омиллар белгилайди:

1. Мулоқотда саводхонлик: тўғри сўз танлаш, тўғри талаффуз, тўғри гап қурилиши кабилар.
2. Ўзаро ҳурмат, мулоқот мавзуси ва мулоқотдан кутилган натижани аниқ билиш.
3. Мулоқот жараёнида миллий, жинсий ва ижтимоий белгиларни ҳисобга олиш.

Албатта, бу мулоқот маданиятини таъминловчи омилларнинг энг кичик қисми. Галдаги вазифа эса жамиятимизнинг барча аъзоларига манфаатли мулоқот малакасини сингдиришдир. Оилада бу малаканинг пойдевори қўйилса, шубҳасиз, мактаб уни шакллантиради.

Телевизорда тез-тез намойиш қилиб туриладиган ўспиринлар учун мўлжалланган фильмда бир эпизод бор: бир ўқувчи-қиз мактабга боргиси келмай, онасига шикоят қилади, бугун нутқ сўзлаши лозим, у эса хоҳламайди — қўрқяпти. Кейин синфда унинг нутқ сўзлаши билан боғлиқ можаролар акс этади: сўзлаш жараёнида кўнгли айний бошлайди, синфдошлари мазах қилиб кулади, ўқитувчиси қўллаб-қувватлайди... Нуктадонликнинг шаклланиши жуда қизиқ жараён. Хўш, бу қандай дарс ўзи? Бизнинг таълим тизимимизда унинг аналоги борми? Ҳа, бу она тили. Мулоқот малакасини шакллантирувчи айнан У.

Хуллас, мактаб она тили таълими тилшунос эмас, тил эгасини тарбиялаши лозим. Тўғри, бу мақсадга эришиш фақат мактаб ўқитувчилари гарданидаги масъулият эмас. Кенг илмий жамоатчилик, назариётчи ва методист олимларнинг эътибори зарур.

**Ш.ШАҲОБИДДИНОВА,**
**Андижон давлат университети профессори,**
**Д. НАБИЕВА,**
**филология фанлари доктори, доцент**

## Бошланғич ва юқори синфлар таълимида тафовут бор

**Gazeta va gazetxon**

**30 йилдан бери ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераман. Имкон қадар ҳар бир дарсда янгилик яратишга интиламан. Бу борада "Ma'rifat" яқин ҳамкорим. Газетанинг шу йил 22 февраль сонида чоп этилган Бахтиёр Менглиевнинг "Она тили таълими: давр талаби ва ижтимоий зарурат" номли мақоласини ўқиб чиққанимдан сўнг, бир қатор мулоҳазалар туғилди.**

Мақолада "Она тили таълими мазмунида тил қурилишининг миллий талқини ўта чуқурлаштириб юборилди, натижада она тили сабоқлари гўё соддалаштирилган тилшунослик фани мазмунидек тасаввур уйғота бошлади" дейилган. Маълумки, бошланғич синфларда ўқитувчи ўқувчиларнинг ёзувига, имлосига, оғзаки ва ёзма нутқига эътибор қаратади. Бироқ кўп ҳолларда бошланғич синфда имлоси яхши, ёзуви ҳам талабга жавоб берадиган ўқувчи юқори синфга ўтиб бирдан ўзгаради. Мактабимизда жуда кўп ҳолларда она тили ва адабиёт ҳамда бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида мазкур масала юзасидан баҳс-мунозара бўлиб туради. Баъзан 5-синфни қабул қилиб олган ўқитувчи билимлар беллашувида ўқувчиларининг натижаси яхши бўлмаса, айбни бошланғич синф ўқитувчисига тўнкайди. Бу муаммога ечим излаб, бошланғич синф ўқитувчилари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ишни ўзаро дарс кузатувидан бошладик.

4-синф ўқувчиларидан диктант олганимда, синф ўқитувчиси Ҳулкарой Қосимова дарсдан сўнг шундай фикр билдирди:

— Биз диктант матнини сўзма-сўз айтар эканмиз. 4-синфда диктант матнини ўқиш усулини ўзгартириб, 5-синфга мослаб, ўқувчиларда кўникма ҳосил қилиб бориш кераклигини англадим.

Шу тарзда ҳамкорликни давом эттирдик. Лекин бошланғич синфда талаб даражасида диктант ёзган ўқувчилар юқори синфга ўтгач, кўрсаткичида пасайишлар кузатилаверди. Олайлик, яқиндагина мактабимизда ўтказилган ички мониторинг якунига кўра юқори синф ўқувчиларининг ёзма иш натижалари бошланғич синфларникига нисбатан паст бўлди. 4-синфдаги 3-4 ўқувчини ҳисобга олмаганда, барча диктантни жуда чиройли, хатосиз ёзган. Шундан сўнг муаммонинг сабабини топгандай бўлдим — бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг ёзуви ва оғзаки нутқига кўпроқ эътибор беришади, юқори синфга ўтганда эса назарий маълумотлар билан чекланишади. Амалий иш билан кам шуғулланилгани учун она тили ва адабиётдан тўгарак машғулотларида ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигига эътибор қаратдим. Натижада бу йилги билимлар беллашувида синфимдаги барча ўқувчилар яхши қатнашди.

**Хадича ҚОСИМОВА,**
**Балиқчи туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси**

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ҚОРАҚАЛПОҚ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

| Т/р | Дарслик номи | Муаллифлар | Нашр этилган йили | Таъминланиш тури |
|---|---|---|---|---|
| | **1-синф** | | | |
| 1 | Алифбе (A'lipbe) | Қ.Хожамуротова ва б. | 2017 | Бепул |
| 2 | Ўқиш китоби (Oqıw kitabı) | Б.Қутлимуратов ва б. | 2017 | Бепул |
| 3 | Она тили (Ana tili) | Б.Қутлимуратов | 2017 | Бепул |
| 4 | Ёзув дафтари | А.Даулатов ва б. | 2017 | Бепул |
| 5 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2017 | Бепул |
| 6 | Математика дафтари | М.Жумаев ва б. | 2017 | Бепул |
| 7 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2017 | Бепул |
| 8 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2017 | Бепул |
| 9 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2017 | Бепул |
| 10 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2017 | Бепул |
| 11 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М.Ирисқулов ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ" | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Француз тили "Hirondelle-1" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Технология | И.Маннопова ва б. | 2017 | Бепул |
| | **2-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2016 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Б.Қутлимуратов ва б. | 2016 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqıw kitabı) | Б.Қутлимуратов | 2016 | Ижара |
| 4 | Русский язык | З.Абдураимова | 2016 | Ижара |
| 5 | Математика | Н.Абдураҳмонова ва б. | 2016 | Ижара |
| 6 | Атрофимиздаги олам | П.Ғуломов ва б. | 2016 | Ижара |
| 7 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2016 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | Ижара |
| 9 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2016 | Ижара |
| 10 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-2" | С.Хан ва б. | 2016 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2" | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-2" | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | Бепул |
| 14 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-2» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Француз тили "Hirondelle-2" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | Бепул |
| 16 | Француз тили машқ дафтари «Cahier d' exercices-2» | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 17 | Меҳнат таълими | Х.Санақулов ва б. | 2016 | Ижара |
| | **3-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2016 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Е.Давенов ва б. | 2016 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqıw kitabı) | Б.Калимбетов ва б. | 2016 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Н.Сергеева ва б. | 2016 | Ижара |
| 5 | Математика | С.Бурҳонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 6 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2016 | Ижара |
| 7 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2016 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | Ижара |
| 9 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2016 | Ижара |
| 10 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-3" | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили машқ дафтари «Activities book-3» | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-3" | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 16 | Француз тили машқ дафтари «Cahier d' exercices-3» | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 17 | Меҳнат таълими | Х.Санақулов ва б. | 2016 | Ижара |
| | **4-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Е.Давенов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqıw kitabı) | Е.Бердимуратов ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | М.Каримова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2017 | Ижара |
| 6 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2017 | Ижара |
| 7 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2017 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Технология | И.Маннопова ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Инглиз тили "Kids' English-4" | С.Хан ва б. | 2016 | Бепул |
| 13 | Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-4» | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-4" | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | Бепул |
| 15 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-4» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 16 | Француз тили "Hirondelle-4" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | Бепул |
| 17 | Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-4" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| | **5-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | Е.Бердимуратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | Ж.Пирниязов ва б. | 2015 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Ю.Мусурмонова | 2016 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High " | Л.Жўраев ва б. | 2017 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Deutsch» | З.Қиёмова ва б. | 2017 | Бепул |
| 7 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2017 | Бепул |
| 8 | Тарихдан ҳикоялар | У.Жўраев ва б. | 2015 | Ижара |
| 9 | Математика | Б.Ҳайдаров | 2015 | Ижара |
| 10 | Информатика | Д.Камолиддинова | 2016 | Ижара |
| 11 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 12 | География (Табиий география бошланғич курси) | П.Ғуломов ва б. | 2015 | Ижара |
| 13 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Мусиқа | А.Мансуров ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Меҳнат таълими | Ш.Шарипов ва б. | 2015 | Ижара |
| 16 | Тасвирий санъат | Т.Қўзиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 17 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2015 | Ижара |
| | **6-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова | 2017 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | М.Давлетов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | З.Айжанова ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2013 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2013 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Voyage en France» | З.Абдушукурова ва б. | 2013 | Бепул |
| 8 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2017 | Ижара |

| Т/р | Дарслик номи | Муаллифлар | Нашр этилган йили | Таъминланиш тури |
|---|---|---|---|---|
| 9 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Физика | Н.Турдиев | 2017 | Ижара |
| 11 | Биология (Ботаника) | Ў.Пратов ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | География | А.Соатов ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 15 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Технология | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 17 | Тасвирий санъат | Қ.Мираҳмедов ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2015 | Ижара |
| | **7-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | А.Давлетов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | К.Мамбетов ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Цой ва б. | 2013 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2013 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Bon voyage» | В.Бухин ва б. | 2013 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Геометрия | А.Аъзамов ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2017 | Ижара |
| 14 | Биология (Зоология) | О.Мавлонов | 2017 | Ижара |
| 15 | География | П.Ғуломов ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | М.Қаршибоев ва б. | 2015 | Ижара |
| 17 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | Технология | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 19 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 20 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2017 | Ижара |
| | **8-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili) | М.Давлетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A`debiyat) | К.Мамбетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | М.Рожнова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2014 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Le nouveau voyage en France» | З. Абдушукурова ва б. | 2014 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Қ.Усмонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | У.Жўраев ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари | О.Каримова ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Иктисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Геометрия | А.Раҳимқориев | 2014 | Ижара |
| 14 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Одам ва унинг саломатлиги | Б.Аминов ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | География | П.Мусаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 19 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | Р.Қўчқор ва б. | 2015 | Ижара |
| 20 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| 21 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2017 | Ижара |
| | **9-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев | 2014 | Ижара |
| 2 | Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili) | М.Давлетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Адабиёт ( A`debiyat) | Т.Мамбетниязов ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Р.Усмонова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Deutsch» | М.Дадаходжаева ва б. | 2014 | Бепул |
| 7 | Француз тили «D'un Etat a l'autre» | С.Раҳмонов ва б. | 2014 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | С.Тиллабоев ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | М.Лафасов ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Конституциявий ҳуқуқ асослари | Г.Тансиқбаева ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Иктисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Геометрия | Б.Ҳайдаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 14 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Биология. Цитология ва генетика асослари | А.Зикиряев ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси | А. Қаюмов ва б. | 2014 | Ижара |
| 19 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | О.Мусурмонова ва б. | 2015 | Ижара |
| 20 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| | **10-синф** | | | |
| 1 | Қорақалпоқ тили | Ш.Абдуназимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Адабиёт | К.Палымбетов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили | Ф.Рашидова ва б. | 2017 | Ижара |
| 6 | Немис тили | С.Абдуллаева ва б. | 2017 | Ижара |
| 7 | Француз тили | З.Давронова ва б. | 2017 | Ижара |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Қ.Ражабов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | Ш.Эргашев ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Дунё динлари тарихи | З.Исломов ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Давлат ва ҳуқуқ асослари | Н.Исматова ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Маънавият асослари | В.Қўчқоров ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | Математика (алгебра анализ асослари, геометрия) | Ш.Исмаилов ва б. | 2017 | Ижара |
| 14 | Информатика ва ахборот технологиялари | Н.Тойлоқов ва б. | 2017 | Ижара |
| 15 | Физика | Н.Турдиев ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Органик кимё | С.Машарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 17 | Биология | А.Ғофуров ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | География | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 19 | Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик | Ш.Убайдуллаев ва б. | 2017 | Ижара |

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

# Ўғил бола эшик қулфини созлашни биладими?

**Sizga gapim bor**

Бувимнинг қўлидан маҳкам тутиб, мактабга илк бор келган куним, биринчи ўқитувчимга эргашиб, партага бориб ўтирганим ҳамон эсимда.

— Азиз болажонлар, 1-синфга қадам қўйганингиз билан табриклайман! Энди танишиб олайлик, мен синф раҳбарингиз — Облоқул Қурбоновман.

Устознинг гап-сўзи, муомаласи, ҳар бир ўқувчига яккама-якка ёндашиши болалигимдан менда ўқитувчилик касбига қизиқиш уйғотди. Илк ёзган шеъримни у кишига кўрсатганман. Синф раҳбаримиз эркак киши бўлгани учунми, бошқа ўқувчилардан ажралиб турардик. Муаллимни отамиздек ҳурмат қилар, хато қилиш, паст ўзлаштириш, тартиб-интизомни бузиш уят ҳисобланарди. Ўғил болалар мард, жасур, устозимиз кўрсатганидек, қизларга ёрдам берар, навбатчи бўлсак, сув олиб келар, бирор синфдошимиз бетоб бўлса, кўриб келишга бош-қош бўлардик. Бирорта қизни кимдир хафа қилса, ўғил болалар синглисини ҳимоя қилаётган акадек ғамхўр эди.

Бугун мактабда эркак ўқитувчилар жуда кам. Ваҳоланки, педагогика институти талабалари орасида йигитлар етарли. Агар эркак педагоглар кўпайса, ўғил бола тарбиясида ижобий ўзгаришлар рўй берган бўларди. Сабаби, уйда бола тарбияси билан 90 фоиз ҳолатда оналар, мактабда эса асосан, аёл педагоглар шуғулланмоқда. Қиз болага мос тўгараклар кўпроқ: тикувчилик, мунчоқли безак, юмшоқ ўйинчоқ ясаш, пазандалик. Ўғил болалар тўгараги-чи? Уларнинг мустақил ҳаётга тайёрланиши қай даражада? Дурадгорлик, электрпайвандлаш, пойабзал тузатишни эплайдиган ўғил болалар борми? "Алпомиш" тўгараги қачон иш бошлайди?

Кузатишларимдан билдимки, 20 ёшдан ошган айрим ўғил болалар деворга мих қоқиш, эшик қулфини созлаш, эшик-ром бўяш, оқлаш, сувашни билмайди. Арзимаган ишга уста ёллайдиган ота-оналар бунга айбдор эмасмикан аслида?

**Шаҳноза КАРИМОВА,**
**Учқудуқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари**

**Faxr**

# Ҳақиқий дўст экан!

Дарсликлар тўлиқлиги ва сақланиш ҳолатини назорат қилиш учун кутубхоначи Мақсуда опа синфхонага кириб келди. У китобларни навбат билан кўриб чиқаркан, Элмуроднинг инглиз тили дарслиги йўқлигини айтиб, менга маъноли қараб қўйди. "Элмурод, китобинг бор эди-ку, қани?", дедим яқинроқ бориб. Болалар орасидан кимдир "Ишонган тоғда..." дедию жим бўлди. Элмурод қизариб, ерга қаради, партадоши Зафарбек: "Устоз, унда айб йўқ. Мен ўтган дарсда ўзимникига қўшиб, унинг китобини ҳам олиб кетибман. Бугун сумкамга солиш ёдимдан кўтарилибди. Кечиринг, устоз", деди.

Элмурод — намунали ўқувчилардан бири. Одоби, муомаласи, дарсда иштироки, кийиниш маданияти рисоладагидек. Кундалигига адашиб, "4" баҳо тушиб қолса, эртасига кўргазмали қурол ёки тарқатма материал тайёрлаб, баҳосини тузатади. Унга юқори баҳо бериб, "Элмуродга ишонаман" десам, айрим ўқувчиларнинг ғайирлиги келади.

Кутубхоначи кетди, танаффусга қўнғироқ чалинди. Синфхона бўшаб қолди. Зафарбек секингина ёнимга келиб, кўнглини очди: "Устоз, кутубхоначига ёлғон айтдим. Шунга мажбур эдим. Элмурод кеча сигирларни суғоргани чиқиб кетса, кичкина укаси "Инглиз тили" дарслигини қийма-қийма қилиб ташлабди. Дўстим виждон азобида қолган. Энди унинг дарслиги йўқ", дея изоҳ берди.

Зафарбек ўша вазиятда нафақат дўстининг шаъни, балки менинг Элмуродга бўлган ишончимни барча тенгқурлари олдида сақлаб қола билди. Ҳақиқий дўст экан.

Ўқувчилар ўртасида бир-бирининг устидан очиқ-ошкора кулиш, кийган кийимига қараб муомала қилиш, ўқитувчига ёқаман деб тенгдоши айбини фош этиш каби иллат "ўзбекона андиша", "уят, ор-номус" деган асрий ақидаларимизга зарар етказаётганидан ташвишдаман. Зафарбекдай мард, ақлли ўқувчилар кўпайса қани эди...

**Нафиса ОРТИҚОВА,**
**Учкўприк туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси**




# Кўнгли поку ҳам кўзи пок...

**Muallim — millatning yuzi**

Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Бу жараённинг иштирокчиси — ўқитувчида қандай сифатлар таркиб топиши зарур?

Ўқувчи мактабга илк бор қадам қўяр экан, муаллим ёки муаллима унга идеал шахс бўлиб туюлади, ҳар бир ҳаракатидан маъно топади, ҳатто имо-ишора, хатти-ҳаракатини ўзлаштириб олади. Айрим ўқувчиларнинг қарори қатъий: "Катта бўлсам, фалончи устоздек бўламан". Ўқув фанига устози туфайли меҳр қўяди ёки аксинча... Баъзида ота-оналарнинг "Унинг сизга ихлоси бошқача, мен буюрсам қилмайди" қабилидаги сўзларини эшитиб, бунга яна бир бор амин бўламиз.

Беш қўл баробар эмас. Барча педагогларда ахлоқий сифатлар қарор топавермайди. Педагог ўз ишининг устаси бўлиши мумкин, аммо унда тил ва дил бирлиги мужассамми, шуниси муҳимроқ. Ҳазрат Навоийнинг "Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок, Тили поку сўзи поку ўзи пок", деган ҳикматли сўзи ўз ўрнида топиб айтилган.

Афсуски, ўқитувчилар орасида фикрлаши тор, ўткинчи ҳавасга берилувчи, охирини ўйламай қадам ташловчи "учар"лар ҳам йўқ эмас. Спиртли ичимлик ичиш, уяли алоқа воситасидан тўғри фойдаланиш қоидаларини бузиш, ўқувчи дилини оғритиш кўп ҳолларда олий маълумотли, ўқиган, тушунган шахслар томонидан содир этилаётгани кўнглимизни оғритади.

**Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА,**
**Бувайда туманидаги 25-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

**Qissadan hissa**

# Болам, сенга гапирдим..

Танишимнинг ўғли 3 ёшга тўлиши муносабати билан меҳмонга бордим. Ош еб бўлгач, ўғлини ёнига чақирди:

— Ўғлим, амакингга салом бермайсанми?

— Асс...ассомакум!

— Ва алайкум ассалом, катта йигит бўл!

— Молодес, ота ўғил. Энди ўрганган гапларингни бу амакингга ҳам айтиб бер-чи.

Мен болакайдан шеър ёки бирор топишмоқ кутгандим, аммо ундай бўлмади. Боланинг оғзидан ҳақоратомуз сўз чиқса бўладими! Унинг бу қилиғидан шодланган отаси ўғлини қайта-қайта сўкишга ундаб, хандон отиб кулади. Боланинг онаси кўринди. Энди ота ўғлини онасини ҳақорат қилишга ундади, ўғли айтганидай қилди.

— Ўғлим, сен яна нима қилишни биласан?

— Бокс-бокс!

— Қани, битта ур-чи, — деб унга қўлини тутди отаси. — Энди онангни ҳам бориб ур, — у тағин завқланиб кулди...

Ота қаҳ-қаҳ отиб кулаверди. Катта ўғил кўчадан йиғлаб кириб келди. Ота жиғибийрон. Бу воқеа худди "Учрашув" фильмидаги эпизодни эслатарди. Бировларнинг бурнини қонатган ўғлининг охирида ўзи калтак егани отанинг тепа сочини тикка қилади. Бундан қарийб 950 йил муқаддам ёзиб қолдирилган Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида вазир Ойтўлдининг ўғли Ўгдулмишга берган тарбиявий насиҳатлари ёдимга тушди: "Болани тергаб, назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди", "Назоратдан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади", "Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради".

Мен мезбон биродаримнинг ўз фарзандларини бу тарика улғайтираётганидан афсусландим. Бу қанақаси, ота болани тўғри йўлга бошламаса... Ножоиз хатти-ҳаракатга ўрганаётган боланинг келажаги қандай бўлади?

**Бобур МЎМИНОВ,**
**Чилонзор туманидаги 90-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари**

# Ўқитувчининг обрўси тўкилмасин!

Йўлни яқин қилиш мақсадида мактаб ҳовлисини кесиб ўтаётсам, ичкаридан қаттиқ-қаттиқ овоз эшитилди. Соат 11:00, бу пайтда дарс бўлиши керак эмасми, дея ҳайрон қолдим. Овоз келаётган хона томон юрдим. Аёл кишининг гаплари қуракда турмас, илон эшитса, пўст ташларди. "Ўқитувчилар хонаси" эшигини очиб, ичкарига қарадим. Муаллиманинг оғзидан боди кириб, шоди чиқяпти. "Мен саккиз юз минг сўм оламан, нега энди сенинг ойлигинг бир миллион тўрт юз минг сўм бўлиши керак? Сен оилада икки жонсан, биз эса ўн беш кишимиз.

**Ta'kid!**

Нега сен янги пальто олар экансанда, мен эса йўқ?". Воқеани жимгина кузатиб турган бошқа ўқитувчиларга юзландим. Ажабо. Бир ўқитувчи янги пальто олибди, унга иккинчиси ҳавас эмас, ҳасад қилмоқда.

Ўқитувчи зоти шундай йўл тутсаки, бошқалардан нимани кутиш керак?

Уларнинг можаросига аралашгим келмади. Устозимнинг гапи ёдимга тушди: "Дилида кек сақловчи ғаразгўй киши асло ўқитувчи бўла олмайди. Бола энг адолатли ва софдил одамларнигина ҳурмат қилади". Мени саволлар қийнар эди: шунчалик бахил бўлиш мумкинми? Балки кўчадаги бозорчи аёл шундай қилса, қўл силтаб қўйсак бўларди. Ўқитувчи аёл шу даражада бетамиз, бефаҳм бўларканми?

Ўқитувчи обрўсини узоқ йиллар давомида машаққат билан тикланадиган мустаҳкам иморатга менгзайман. Аммо... бир умр ўқитувчилик қилиб, устоз мақомини ололмаган педагоглар орамизда йўқ дейсизми?! Устоз деган шарафли номга мушарраф бўлиш ҳар бир муаллимга насиб этсин!

**Роза ҚУРБОНОВА**
*Нурота тумани*

**Мактубларни "Ma'rifat" мухбири Райҳона ХЎЖАЕВА саралади.**

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

# Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ҚОРАҚАЛПОҚ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

| Т/р | Дарслик номи | Муаллифлар | Нашр этилган йили | Таъминланиш тури |
|---|---|---|---|---|
| | **1-синф** | | | |
| 1 | Алифбе (A'lipbe) | Қ.Хожамуротова ва б. | 2017 | Бепул |
| 2 | Ўқиш китоби (Oqıw kitabı) | Б.Кутлимуратов ва б. | 2017 | Бепул |
| 3 | Она тили (Ana tili) | Б.Кутлимуратов | 2017 | Бепул |
| 4 | Ёзув дафтари | А.Даулатов ва б. | 2017 | Бепул |
| 5 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2017 | Бепул |
| 6 | Математика дафтари | М.Жумаев ва б. | 2017 | Бепул |
| 7 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2017 | Бепул |
| 8 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2017 | Бепул |
| 9 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2017 | Бепул |
| 10 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2017 | Бепул |
| 11 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М.Ирискулов ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ" | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Француз тили "Hirondelle-1" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Технология | И.Маннопова ва б. | 2017 | Бепул |
| | **2-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2016 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Б.Кутлимуратов ва б. | 2016 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqıw kitabı) | Б.Кутлимуратов | 2016 | Ижара |
| 4 | Русский язык | З.Абдураимова | 2016 | Ижара |
| 5 | Математика | Н.Абдураҳмонова ва б. | 2016 | Ижара |
| 6 | Атрофимиздаги олам | П.Ғуломов ва б. | 2016 | Ижара |
| 7 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2016 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | Ижара |
| 9 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2016 | Ижара |
| 10 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-2" | С.Хан ва б. | 2016 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2" | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-2" | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | Бепул |
| 14 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-2» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Француз тили "Hirondelle-2" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | Бепул |
| 16 | Француз тили машқ дафтари «Cahier d' exercices-2» | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 17 | Меҳнат таълими | Х.Санакулов ва б. | 2016 | Ижара |
| | **3-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2016 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Е.Давенов ва б. | 2016 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqıw kitabı) | Б.Калимбетов ва б. | 2016 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Н.Сергеева ва б. | 2016 | Ижара |
| 5 | Математика | С.Бурҳонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 6 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2016 | Ижара |
| 7 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2016 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | Ижара |
| 9 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2016 | Ижара |
| 10 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-3" | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили машқ дафтари «Activities book-3» | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-3" | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 16 | Француз тили машқ дафтари «Cahier d' exercices-3» | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 17 | Меҳнат таълими | Х.Санакулов ва б. | 2016 | Ижара |
| | **4-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Е.Давенов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqıw kitabı) | Е.Бердимуратов ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | М.Каримова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2017 | Ижара |
| 6 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2017 | Ижара |
| 7 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2017 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Технология | И.Маннопова ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Инглиз тили "Kids' English-4" | С.Хан ва б. | 2016 | Бепул |
| 13 | Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-4» | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-4" | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | Бепул |
| 15 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-4» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 16 | Француз тили "Hirondelle-4" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | Бепул |
| 17 | Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-4" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| | **5-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | Е.Бердимуратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | Ж.Пирниязов ва б. | 2015 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Ю.Мусурмонова | 2016 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High " | Л.Жўраев ва б. | 2017 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Deutsch» | З.Қиёмова ва б. | 2017 | Бепул |
| 7 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2017 | Бепул |
| 8 | Тарихдан ҳикоялар | У.Жўраев ва б. | 2015 | Ижара |
| 9 | Математика | Б.Ҳайдаров | 2015 | Ижара |
| 10 | Информатика | Д.Камолиддинова | 2016 | Ижара |
| 11 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 12 | География (Табиий география бошланғич курси) | П.Ғуломов ва б. | 2015 | Ижара |
| 13 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Мусиқа | А.Мансуров ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Меҳнат таълими | Ш.Шарипов ва б. | 2015 | Ижара |
| 16 | Тасвирий санъат | Т.Қўзиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 17 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2015 | Ижара |
| | **6-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова | 2017 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | М.Давлетов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | З.Айжанова ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2013 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2013 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Voyage en France» | З.Абдушукурова ва б. | 2013 | Бепул |
| 8 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2017 | Ижара |

| Т/р | Дарслик номи | Муаллифлар | Нашр этилган йили | Таъминланиш тури |
|---|---|---|---|---|
| 9 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Физика | Н.Турдиев | 2017 | Ижара |
| 11 | Биология (Ботаника) | Ў.Пратов ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | География | А.Соатов ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 15 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Технология | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 17 | Тасвирий санъат | Қ.Мираҳмедов ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2015 | Ижара |
| | **7-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | А.Давлетов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | К.Мамбетов ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Цой ва б. | 2013 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2013 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Bon voyage» | В.Бухин ва б. | 2013 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | А.Мухаммаджонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Геометрия | А.Аъзамов ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2017 | Ижара |
| 14 | Биология (Зоология) | О.Мавлонов | 2017 | Ижара |
| 15 | География | П.Ғуломов ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | М.Қаршибоев ва б. | 2015 | Ижара |
| 17 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | Технология | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 19 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 20 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2017 | Ижара |
| | **8-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Мухиддинова ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili) | М.Давлетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A`debiyat) | К.Мамбетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | М.Рожнова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2014 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Le nouveau voyage en France» | З. Абдушукурова ва б. | 2014 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Қ.Усмонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | У.Жўраев ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари | О.Каримова ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Геометрия | А.Раҳимқориев | 2014 | Ижара |
| 14 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Одам ва унинг саломатлиги | Б.Аминов ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | География | П.Мусаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 19 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | Р.Қўчқор ва б. | 2015 | Ижара |
| 20 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| 21 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2017 | Ижара |
| | **9-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев | 2014 | Ижара |
| 2 | Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili) | М.Давлетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Адабиёт ( A`debiyat) | Т.Мамбетниязов ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Р.Усмонова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Deutsch» | М.Дадаходжаева ва б. | 2014 | Бепул |
| 7 | Француз тили «D'un Etat a l'autre» | С.Раҳмонов ва б. | 2014 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | С.Тиллабоев ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | М.Лафасов ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Конституциявий ҳуқуқ асослари | Г.Тансиқбаева ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Геометрия | Б.Ҳайдаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 14 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Биология. Цитология ва генетика асослари | А.Зикиряев ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси | А. Қаюмов ва б. | 2014 | Ижара |
| 19 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | О.Мусурмонова ва б. | 2015 | Ижара |
| 20 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| | **10-синф** | | | |
| 1 | Қорақалпоқ тили | Ш.Абдуназимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Адабиёт | К.Палымбетов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили | Ф.Рашидова ва б. | 2017 | Ижара |
| 6 | Немис тили | С.Абдуллаева ва б. | 2017 | Ижара |
| 7 | Француз тили | З.Давронова ва б. | 2017 | Ижара |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Қ.Ражабов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | Ш.Эргашев ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Дунё динлари тарихи | З.Исломов ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Давлат ва ҳуқук асослари | Н.Исматова ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Маънавият асослари | В.Қўчқоров ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | Математика (алгебра анализ асослари, геометрия) | Ш.Исмаилов ва б. | 2017 | Ижара |
| 14 | Информатика ва ахборот технологиялари | Н.Тойлоқов ва б. | 2017 | Ижара |
| 15 | Физика | Н.Турдиев ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Органик кимё | С.Машарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 17 | Биология | А.Ғофуров ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | География | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 19 | Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик | Ш.Убайдуллаев ва б. | 2017 | Ижара |

# Ўғил бола эшик қулфини созлашни биладими?

Бувимнинг қўлидан маҳкам тутиб, мактабга илк бор келган куним, биринчи ўқитувчимга эргашиб, партага бориб ўтирганим ҳамон эсимда.

— Азиз болажонлар, 1-синфга қадам қўйганингиз билан табриклайман! Энди танишиб олайлик, мен синф раҳбарингиз — Облоқул Қурбоновман.

## Sizga gapim bor

Устознинг гап-сўзи, муомаласи, ҳар бир ўқувчига яккама-якка ёндашиши болалигимдан менда ўқитувчилик касбига қизиқиш уйғотди. Илк ёзган шеъримни у кишига кўрсатганман. Синф раҳбаримиз эркак киши бўлгани учунми, бошқа ўқувчилардан ажралиб турардик. Муаллимни отамиздек ҳурмат қилар, хато қилиш, паст ўзлаштириш, тартиб-интизомни бузиш уят ҳисобланарди. Ўғил болалар мард, жасур, устозимиз кўрсатганидек, қизларга ёрдам берар, навбатчи бўлсак, сув олиб келар, бирор синфдошимиз бетоб бўлса, кўриб келишга бош-қош бўларди. Бирорта қизни кимдир хафа қилса, ўғил болалар синглисини ҳимоя қилаётган акадек ғамхўр эди.

Бугун мактабда эркак ўқитувчилар жуда кам. Ваҳоланки, педагогика институти талабалари орасида йигитлар етарли. Агар эркак педагоглар кўпайса, ўғил бола тарбиясида ижобий ўзгаришлар рўй берган бўларди. Сабаби, уйда бола тарбияси билан 90 фоиз ҳолатда оналар, мактабда эса асосан, аёл педагоглар шуғулланмоқда. Қиз болага мос тўгараклар кўпроқ: тикувчилик, мунчоқли безак, юмшоқ ўйинчоқ ясаш, пазандалик. Ўғил болалар тўгараги-чи? Уларнинг мустақил ҳаётга тайёрланиши қай даражада? Дурадгорлик, электрпайвандлаш, пойабзал тузатишни эплайдиган ўғил болалар борми? "Алпомиш" тўгараги қачон иш бошлайди?

Кузатишларимдан билдимки, 20 ёшдан ошган айрим ўғил болалар деворга мих қоқиш, эшик қулфини созлаш, эшик-ром бўяш, оқлаш, сувашни билмайди. Арзимаган ишга уста ёллайдиган ота-оналар бунга айбдор эмасмикан аслида?

**Шаҳноза КАРИМОВА,**
**Учқудуқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари**

## Faxr

# Ҳақиқий дўст экан!

Элмурод — намунали ўқувчилардан бири. Одоби, муомаласи, дарсда иштироки, кийиниш маданияти рисоладагидек. Кундалигига адашиб, "4" баҳо тушиб қолса, эртасига кўргазмали қурол ёки тарқатма материал тайёрлаб, баҳосини тузатади. Унга юқори баҳо бериб, "Элмуродга ишонаман" десам, айрим ўқувчиларнинг ғайирлиги келади.

Дарсликлар тўлиқлиги ва сақланиш ҳолатини назорат қилиш учун кутубхоначи Мақсуда опа синфхонага кириб келди. У китобларни навбат билан кўриб чиқаркан, Элмуроднинг инглиз тили дарслиги йўқлигини айтиб, менга маъноли қараб қўйди. "Элмурод, китобинг бор эди-ку, қани?", дедим яқинроқ бориб. Болалар орасидан кимдир "Ишонган тоғда..." дедию жим бўлди. Элмурод қизариб, ерга қаради, партадоши Зафарбек: "Устоз, унда айб йўқ. Мен ўтган дарсда ўзимникига қўшиб, унинг китобини ҳам олиб кетибман. Бугун сумкамга солиш ёдимдан кўтарилибди. Кечиринг, устоз", деди.

Кутубхоначи кетди, танаффусга қўнғироқ чалинди. Синфхона бўшаб қолди. Зафарбек секингина ёнимга келиб, кўнглини очди: "Устоз, кутубхоначига ёлғон айтдим. Шунга мажбур эдим. Элмурод кеча сигирларни суғоргани чиқиб кетса, кичкина укаси "Инглиз тили" дарслигини қийма-қийма қилиб ташлабди. Дўстим виждон азобида қолган. Энди унинг дарслиги йўқ", дея изоҳ берди.

Зафарбек ўша вазиятда нафақат дўстининг шаъни, балки менинг Элмуродга бўлган ишончимни барча тенгқурлари олдида сақлаб қола билди. Ҳақиқий дўст экан.

Ўқувчилар ўртасида бир-бирининг устидан очиқ-ошкора кулиш, кийган кийимига қараб муомала қилиш, ўқитувчига ёқаман деб тенгдоши айбини фош этиш каби иллат "ўзбекона андиша", "уят, ор-номус" деган асрий ақидаларимизга зарар етказаётганидан ташвишдаман. Зафарбекдай мард, ақлли ўқувчилар кўпайса қани эди...

**Нафиса ОРТИҚОВА,**
**Учкўприк туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси**




# Кўнгли поку ҳам кўзи пок...

Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Бу жараённинг иштирокчиси — ўқитувчида қандай сифатлар таркиб топиши зарур?

Ўқувчи мактабга илк бор қадам

## Muallim — millatning yuzi

қўяр экан, муаллим ёки муаллима унга идеал шахс бўлиб туюлади, ҳар бир ҳаракатидан маъно топади, ҳатто имо-ишора, хатти-ҳаракатини ўзлаштириб олади. Айрим ўқувчиларнинг қарори қатъий: "Катта бўлсам, фалончи устоздек бўламан". Ўқув фанига устози туфайли меҳр қўяди ёки аксинча... Баъзида ота-оналарнинг "Унинг сизга ихлоси бошқача, мен буюрсам қилмайди" қабилидаги сўзларини эшитиб, бунга яна бир бор амин бўламиз.

Беш қўл баробар эмас. Барча педагогларда ахлоқий сифатлар қарор топавермайди. Педагог ўз ишининг устаси бўлиши мумкин, аммо унда тил ва дил бирлиги мужассамми, шуниси муҳимроқ. Ҳазрат Навоийнинг "Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок, Тили поку сўзи поку ўзи пок", деган ҳикматли сўзи ўз ўрнида топиб айтилган.

Афсуски, ўқитувчилар орасида фикрлаши тор, ўткинчи ҳавасга берилувчи, охирини ўйламай қадам ташловчи "учар"лар ҳам йўқ эмас. Спиртли ичимлик ичиш, уяли алоқа воситасидан тўғри фойдаланиш қоидаларини бузиш, ўқувчи дилини оғритиш кўп ҳолларда олий маълумотли, ўқиган, тушунган шахслар томонидан содир этилаётгани кўнглимизни оғритади.

**Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА,**
**Бувайда туманидаги 25-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

## Qissadan hissa

# Болам, сенга гапирдим..

Танишимнинг ўғли 3 ёшга тўлиши муносабати билан меҳмонга бордим. Ош еб бўлгач, ўғлини ёнига чақирди:

— Ўғлим, амакингга салом бермайсанми?

— Асс...ассомакум!

— Ва алайкум ассалом, катта йигит бўл!

— Молодес, ота ўғил. Энди ўрганган гапларингни бу амакингга ҳам айтиб бер-чи.

Мен болакайдан шеър ёки бирор топишмоқ кутгандим, аммо ундай бўлмади. Боланинг оғзидан ҳақоратомуз сўз чиқса бўладими! Унинг бу қилиғидан шодланган отаси ўғлини қайта-қайта сўкишга ундаб, хандон отиб куларди. Боланинг онаси кўринди. Энди ота ўғлини онасини ҳақорат қилишга ундади, ўғли айтганидай қилди.

— Ўғлим, сен яна нима қилишни биласан?

— Бокс-бокс!

— Қани, битта ур-чи, — деб унга қўлини тутди отаси. — Энди онангни ҳам бориб ур, — у тағин завқланиб кулди...

Ота қаҳ-қаҳ отиб кулаверди. Катта ўғил кўчадан йиғлаб кириб келди. Ота жиғибийрон. Бу воқеа худди "Учрашув" фильмидаги эпизодни эслатарди. Бировларнинг бурнини қонатган ўғилнинг охирида ўзи калтак егани отанинг тепа сочини тикка қилади. Бундан қарийб 950 йил муқаддам ёзиб қолдирилган Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида вазир Ойтўлдининг ўғли Ўгдулмишга берган тарбиявий насиҳатлари ёдимга тушди: "Болани тергаб, назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди", "Назоратдан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади", "Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради".

Мен мезбон бўродаримнинг ўз фарзандларини бу тариқа улғайтираётганидан афсусландим. Бу қанақаси, ота болани тўғри йўлга бошламаса... Ножоиз хатти-ҳаракатга ўрганаётган боланинг келажаги қандай бўлади?

**Бобур МЎМИНОВ,**
**Чилонзор туманидаги 90-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари**

# Ўқитувчининг обрўси тўкилмасин!

Йўлни яқин қилиш мақсадида мактаб ҳовлисини кесиб ўтаётсам, ичкаридан қаттиқ-қаттиқ овоз эшитилди. Соат 11:00, бу пайтда дарс бўлиши керак эмасми, дея ҳайрон қолдим. Овоз келаётган хона томон юрдим. Аёл кишининг гаплари қулоқда турмас, илон эшитса, пўст ташларди. "Ўқитувчилар хонаси" эшигини очиб, ичкарига қарадим. Муаллиманинг оғзидан боди кириб, шоди чиқяпти. "Мен саккиз юз минг сўм оламан, нега энди сенинг ойлигинг бир миллион тўрт юз минг сўм бўлиши керак? Сен оилада икки жонсан, биз эса ўн беш кишимиз.

## Ta'kid!

Нега сен янги пальто олар экансанда, мен эса йўқ?". Воқеани жимгина кузатиб турган бошқа ўқитувчиларга юзландим. Ажабо. Бир ўқитувчи янги пальто олибди, унга иккинчиси ҳавас эмас, ҳасад қилмоқда. Ўқитувчи зоти шундай йўл тутсаки, бошқалардан нимани кутиш керак?

Уларнинг можаросига аралашгим келмади. Устозимнинг гапи ёдимга тушди: "Дилида кек сақловчи ғаразгўй киши асло ўқитувчи бўла олмайди. Бола энг адолатли ва софдил одамларнигина ҳурмат қилади". Мени саволлар қийнар эди: шунчалик бахил бўлиш мумкинми? Балки кўчадаги бозорчи аёл шундай қилса, қўл силтаб қўйсак бўларди. Ўқитувчи аёл шу даражада бетамиз, бефаҳм бўларканми?

Ўқитувчи обрўсини узоқ йиллар давомида машаққат билан тикланадиган мустаҳкам иморатга менгзайман. Аммо... бир умр ўқитувчилик қилиб, устоз мақомини ололмаган педагоглар орамизда йўқ дейсизми?! Устоз деган шарафли номга мушарраф бўлиш ҳар бир муаллимга насиб этсин!

**Роза ҚУРБОНОВА**
*Нурота тумани*

**Мактубларни "Ma'rifat" мухбири Райҳона ХЎЖАЕВА саралади.**



# МИНИБАНК ёхуд нақд пул машинаси

Техника ва технологияларнинг мислсиз даражада тараққий этиши инсонлар юмушини осонлаштириб, вақтини тежаш, энг муҳими, уларни қулай шароит билан таъминлаш борасида катта имкониятлар яратмоқда. Олимлар изланишлари натижасида кун сайин такомиллашиб бораётган техника воситалари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Йирик савдо мажмуалари, катта-катта банкларнинг кираверишига ўрнатилган банкоматлар ана шундай қурилмалардан бўлиб, бу турдаги техникалар бугун кенг тарқалган. Ушбу банкоматлардан мамлакат аҳолиси, хорижлик сайёҳлар кредит карточкасини нақд пулга айлантириш мақсадида фойдаланади. Бугун юртимиздаги банклар, супермаркетлар, бозорлар ҳамда ташкилот ва муассасаларда бундай банкоматларнинг турли русумлари ўрнатилгани қувонарли. Қурилмадан самарали фойдаланиш учун у ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш талаб этилади.



Банкомат электрон телекоммуникация қурилмаси бўлиб, у истеъмолчи ва молиявий ташкилотларни узвий боғлайди, айниқса банк ходими ёки ғазначи хизматисиз нақд пул олиш имконини яратади. Биз банкомат деб атайдиган бу ускуна турли давлатларда ҳар хил ном билан аталади. Масалан, Буюк Британия, Австралия, Малайзия, Жанубий Африка Республикаси, Сингапур, Филиппин, Шри-Ланка ҳамда Ҳиндистонда автоматик хизмат машинаси (АТМ), АҚШда эса автоматлаштирилган хизмат машинаси, Канадада автоматлаштирилган банк иш аппарати дейилса, бошқа жойларда уни минибанк, нақд пул машинаси, нақд пул тақсимловчи, банкомат деб номлашади.




## 30 йил фойдаланилмаган "банкограф"

Инсонларнинг нақд пул олишдаги қийинчилик ва муаммоларини ҳал қилиш зарурияти белгиланган соатлар ва банк ходими иштирокисиз бу ишни амалга ошириш ғоясини вужудга келтирди. Дастлаб бу ғоя Осиё, кейинчалик Европа ва Шимолий Америка олимларининг қизиқишига сабаб бўлган.

Илк банкоматни 1939 йили америкалик олим Лузер Жорж Симжиан кашф қилган. Дастлаб бу қурилма банк билан боғланмаган бўлса-да, нақд пул чиқариш функциясини бажарарди. Лузер уни Нью-Йорк шаҳри банкига тақдим этди, бироқ "одамлар учун мутлақо керак эмас" деб ҳисоблангач, аппарат эгасига қайтарилади. Ихтиродан қарийб 30 йил мобайнида фойдаланилмайди. Шунга қарамай, Симжиандаги иштиёқ сўнмайди. Вақт ўтиши билан ихтирочи қурилмани такомиллаштиришга муваффақ бўлди. Ниҳоят, 1960 йил 30 июнда унинг уринишлари ўз самарасини берди ва жамоатчилик томонидан тан олинди. 1963 йил 26 февралда патент олди. Ишлаб чиқарилиши бир неча йилга кечиктирилган ушбу машина "банкограф" деб номланди. Қизиғи шундаки, банкограф қоғозли депозит беришга автоматлашган бўлиб, нақд пул тақсимлаш имконига эга эмасди. 1971 йилга келиб, 35 та Америка банки банкоматдан фойдаланишни йўлга қўйган, кейинчалик барча жойларга ўрнатилган.

1967 йил 27 июнь куни Лондоннинг шимолий қисмидаги Энфиелдда Барслайс банки томонидан ўрнатилган нақд пул машинасини аҳоли орасида кенг тарқала бошлаган дастлабки қурилма дейиш мумкин. Буни қарангки, улар ахборот тарқатишда рекламанинг нечоғлик аҳамиятлилигини билган ва тўғри баҳолай олган. Машҳур инсонлар хизматидан фойдаланиш эса минибанкни тарғиб қилишда қўл келган. Банкоматнинг илк фойдаланувчиси инглиз комик актёри Рег Варней бўлгани бунинг исботидир. Қурилма «Де Ла Руе» нашриёт раҳбари Жон Шеферд бошчилигидаги муҳандислар жамоаси томонидан ихтиро қилинган бўлиб, қоғоз чек олиш орқали ишлаган. Хавфсизлик тизимига эга бўлган ушбу аппарат олтита махсус шахсий рақам (ПИН) киритиш йўли билан ишлашга мослаштирилган. Шеферд ўз олдига "Бу менга Британияда ёки дунёнинг исталган жойида бемалол нақд пул олишим учун имкон берувчи йўл бўлиши керак" деган мақсадни қўяди. Кейинчалик улар ўз рақобатчиси «Свэдиш» банкидан ўзиб кетди ва қурилмага «Мэтиор машинаси» деб ном берди.

Сиднейда 1969 йили пайдо бўлган банкомат бир вақтнинг ўзида фақатгина 25 долларни нақд пулга айлантириб бера оларди. Ўша йилнинг 9 январь куни Испаниянинг Мадрид шаҳрига ўрнатилган Мэтиор банкомати аввалгисига қараганда кўпроқ пулни тақсимлаш имкониятига эга бўлди. У ҳар бир фойдаланувчи ўнта рақамдан иборат шахсий хавфсизлик калитини киритганидан сўнггина ишга тушган. Афсуски, аҳоли ундан қандай фойдаланишни билмасди. Бу муаммони ҳал қилиш учун март ойидан бошлаб "Банкоматлардан фойдаланиш ҳақида кўрсатмалар" газета саҳифаларида берилади.

## Ўзгалар аралашувидан холи...

1965 йили бир гуруҳ муҳандислар томонидан картага ПИН-код қўйиш фикри ўртага ташланади. Фойдаланувчи шахсини тасдиқлаш ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган бу ғоя Жеймс Гудфеллоу томонидан илгари сурилган. Бироқ шу ғоя асосида патент олиш 1966 йил 2 майда Энтони Дэвисга насиб этади. Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки, мижоз ҳисоб рақамини ўзгалар аралашувисиз, холи равишда текшира олади. 1970 йил 1 декабрда молиявий маблағ ажратилгач, тизим тўлиқ ишга туширилди. Шунингдек, унинг ташкил топиши бошқа саноат тармоқлари ривожини таъминлашга ҳам хизмат қилди.

Автоматик хизмат машинасининг ташқи кўриниши ҳам вақт ўтиши билан такомиллашиб борган. Айниқса, британияликлар ҳамда швед дизайнерлари ишлов берган янги қурилма оммалашди. Унинг ишлаш принципи эса бугун биз билган банкоматникидан деярли фарқ қилмайди, яъни мижоз пластик карточкасини махсус белгиланган жойга солади ва шахсий рақамларни киритиш орқали муайян функцияни бажаради.

1991 йили илк бор Россияда бир вақтнинг ўзида иккита банкомат ўрнатилган. Улар нақд пул қилиб беришга мўлжалланмаган, лекин бу хизматдан сайёҳатчилар фақат саёҳат чеки олиш учун фойдаланарди. 1994 йилдан эса Москвада ҳамма учун карточкадаги пулларни нақд қилувчи қурилма ўрнатилди.

## 3 минг кишига бир дона

Ҳозирги банкоматлар анчайин замонавий бўлиб, ўзининг дастур ҳамда механик қурилмаларига эга. Ҳар бир қурилманинг алоҳида ўрни ва ишчи вазифаси мавжуд. Уларнинг бири ҳеч қачон иккинчисининг ўрнини боса олмайди.

Аппаратдаги марказий процессор фойдаланувчи турган ҳудуд ва иш қурилмаларини назорат қилишга мўлжалланган бўлса, картани ўқувчи чип ёки магнит мижоз шахсини аниқловчи ва тасдиқловчи қурилмадир. Бунда ПИН-код хавфсизликни сақловчи ҳимоя вазифасини ўтайди. Дисплей функция бажариш учун мижоз томонидан ишлатилади. Функциянинг асосий тугмалари ёки сенсорли экран — бажариладиган ишни танлаш учун хизмат қилади. Ёзиб олувчи қурилма мижозни бажарилган ишлардан хабардор этади.

Маълумотларга қараганда, 1975 йилга келиб дунё бўйлаб 5000 дан ортиқ банкомат ўрнатилган, шундан 3140 таси Америка банкларига тегишли. Бугун бундай машиналардан фойдаланувчиларнинг аниқ сони мавжуд эмас. Бироқ қанча банкомат одамларга хизмат кўрсатаётганини аниқ айтиш мумкин. Масалан, АТМ саноат уюшмаси 2011 йил якунигача 2,4 миллион ана шундай қурилма мавжуд бўлгани ва бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 3,4 миллионга кўпайгани ҳақида маълумот берган.

Ҳисоб-китобларга кўра, дунё бўйича ҳар уч минг кишига битта банкомат тўғри келиши аниқланган. Мутахассислар жаҳонда нақд пул машиналаридан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш учун ер юзини еттита йирик минтақага ажратган. Хусусан, АҚШ, Европа, Канада ва Япония миллионлаб фойдаланувчиларига эга энг йирик тўрт минтақа ҳисобланади. Осиё ва Лотин Америкасига гарчи жуда кўп миқдорда банкоматлар ўрнатилган бўлса-да, кўплаб талабларга жавоб бермаслиги туфайли кейинги ўринларда туради.

Энг замонавий АТМлардан мижоз махсус рақам ҳамда амал қилиш муддати кўрсатилган пластик карточкасини киритиш орқали фойдаланади.

## Хавфсизлик тизими

Кўча-кўйда кредит карточкани осонгина нақд пулга айлантириш яхши албатта, аммо бу фирибгарлар учун ҳам осон "ўлжа" бўлиши мумкинлигини эътибордан қочирмаслик зарур. Шу сабабли катта-кичик АТМларда хавфсизликни таъминловчи махсус тизим ўрнатилган. Айнан хавфсизлик тизими кўплаб ўғрилик ва қонунбузарликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Банкомат хавфсизлигини таъминлашда биринчи ўринда жисмоний шахслар ҳужумини инобатга олган олимлар унинг бенуқсон ишлашига аҳамият қаратишган ва бу маблағни сақлашда самара берган. Афсуски, ўғрилар бир қанча уринишлари натижасида машинани бузишга муваффақ бўлган. 1990 йилга келиб, Японияда банкоматларни талон-тарож қилувчи жиноятчилар гуруҳи ортиб кетгани бунга мисолдир. Ажабланарлиси, улар сақланаётган нақд пулни олишда ҳатто юк машинасидан ҳам фойдаланишган. Кейинчалик бу усул АҚШ, Канадада ҳам тез-тез кузатилган. Айрим давлатларда жиноятларнинг олдини олиш масаласига жиддий ёндашиб, хавфсизлик камералари ва хавфсизликни таъминловчи қўриқчилар қўйишни маъқул кўришган. АҚШнинг Нью-Йорк Банк департаменти эса банкоматларда назорат хавфсизлиги тизимини йўлга қўйган.

Баъзилар банкоматларни фақат банк ёнига ўрнатилади, деб ҳисоблайди. Бироқ бугун биз уни нафақат банклар ёнида, балки йирик савдо марказлари, аэропортлар, дўконлар, газ ва ёнилғи қуйиш шохобчалари, ресторан ва шу каби кўпсонли аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жойларида кўришимиз мумкин. Шунингдек, бундай техник қурилмалар поезд ва метро станцияларидан ҳам жой олган.

Дарвоқе, кўплаб банкоматларнинг пастки қисмида унга эгалик қилувчи банк ёки ташкилотнинг номи ва белгиси бўлиб, бу уларнинг русуми, қайси банкка тегишлилигини билдириб туради. Мижоз минибанкдан фойдаланиш орқали банк депозитини киритиш, ҳисобини текшириш, нақд пулга айлантириш ва мобил телефонига пул ўтказиш имкониятига эга. Бугун Ҳиндистон ва айрим Африка мамлакатларида қишлоқ ҳудудларига қуёшдан энергия оладиган ва махсус иқлим шароити талаб қилмайдиган замонавий кўринишдаги нақд пул тақсимловчи машиналар ўрнатилаётгани эса машинанинг такомиллашиб бораётганидан далолат.

**ЎзДЖТУ талабаси**
**Ноилахон АҲАТОВА тайёрлади.**

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан муҳим чора-тадбирлар белгиланаётгани, жумладан, қатор фармон ва қарорлар лойиҳаси тайёрланаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу муҳим ҳужжатлардан биринчиси — “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди.

Қарорда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Қарорга мувофиқ миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси, “Қорақалпоқкино” агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг намунавий тузилмалари, “Республика кинофонди” давлат унитар корхонасининг тузилмаси тасдиқланди.

Шунингдек, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси юридик шахс сифатида ташкил этилди ва унинг тузилмаси тасдиқланди.

Қарорда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги учун миллий кино маҳсулотларини яратиш бўйича йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, Давлат буюртмасига асосан, 2018 йилда — 20 та, 2020 йилдан бошлаб — 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар тайёрланади.

Шу билан бирга, 2018 йилда — 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб – 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш белгиланган.

Ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутадиган мультипликацион фильмлар 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб эса 50 тадан ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Қарорга биноан яна бир тузилма — миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Қарорда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан билдирилган таклифлар асосида кинофильмлар намойишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежлар биноларидан фойдаланган ҳолда, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибида кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар бунёд этиш вазифаси белгиланган.

Айни вақтда кинематография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги қошида малака ошириш курслари ташкил этилади, атоқли кино ижодкорлар дарс берадиган “Маҳорат мактаблари” фаолияти йўлга қўйилади.

Мамлакатимиздаги ёш, истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорларнинг малакасини ошириш мақсадида уларнинг хориждаги тегишли етакчи таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилади.

Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савияси, мазмун-моҳияти ҳамда профессионал даражасини ошириш масаласига ҳам қарорда алоҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадда кино соҳасининг етук намояндалари ва тажрибали мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш тузилиши белгиланган.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Мутасадди ташкилотлар, биринчи навбатда Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан етарли даражада амалий ёрдам ва кўмак берилмагани, тегишли назорат олиб борилмагани, масъулият ва талабчанлик бўшаштириб юборилгани оқибатида Ўзбекистон давлат консерваторияси мамлакатимиз маданий ҳаётидаги ўзининг етакчи ўрни, обрў-эътибори ва таъсирини йўқотиб бораётгани, унинг фаолияти бугунги замон талабларидан орқада қолаётгани, бу борада кечиктирмасдан ҳал қилиш зарур бўлган бир қанча жиддий муаммолар мавжудлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Жумладан, таълим-тарбия ишларининг замонавий стандартлар ва соҳанинг ўзига хос хусусиятлари асосида тўғри ташкил этилмагани, ўқув дастурлари ва методикасининг мукаммал эмаслиги, дарслик ва қўлланмаларнинг етишмаслиги, профессор-ўқитувчилар, илмий ва ижодий ходимларнинг салоҳияти аксарият ҳолларда талабга жавоб бермаслиги, консерваториянинг моддий-техник базаси ночор аҳволга келиб қолгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқишга қабул қилиш квоталарида номутаносиблик вужудга келгани, хусусан, 700 нафар ўқув ўрни мавжуд бўлгани ҳолда, амалда 1346 нафар талаба таҳсил олаётганини албатта нормал ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди.

Мана шундай камчилик ва муаммолар ўз навбатида ушбу олий таълим муассасаси олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли ва самарали амалга оширишга, маданият соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур деб аталади) 1-иловага;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг таркибий тузилмаси 2-иловага;

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастурнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналари негизида мусиқа санъатини ривожлантириш, мусиқий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада кўтариш;

аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларни миллий ва умумбашарий мусиқа санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда уларнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий етук ва баркамол шахсларни тарбиялаш;

мулкий ёки идоравий мансублигидан қатъи назар, мусиқа санъати, мусиқа таълими йўналиши учун кадрлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш бўйича келишувларда Ўзбекистон давлат консерваторияси методик ва ижодий жиҳатдан таянч олий таълим муассасаси эканини эътироф этиш;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, концерт заллари, аудиториялар ва махсус хоналарни таъмирлаш ва замон талаблари даражасида жиҳозлаш;

консерваторияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик маҳоратини ошириш, ўқув жараёни сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, мусиқа санъати соҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, ижодий марказлар, таниқли композитор, мусиқачи ва ижрочилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш билан бир қаторда республикамизда юқори натижаларга эришган мусиқачи ва педагогларнинг маҳорат дарсларини чет давлатларда тизимли ташкил этиш;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг ёш педагог кадрларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур маиший шароитлар яратиш, ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Консерватория ва унинг таркибидаги Иқтидорли болалар академик лицейи профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларининг ижодий фаоллигини янада ошириш, ёзги таътил давомида ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган санаторийни “Мусиқа оромгоҳи” деган ном билан консерватория тасарруфига ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, консерваториянинг мақоми ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ректори ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқув биналари етишмаганлиги сабабли ҳамда талабалар контингенти сезиларли даражада ортганини инобатга олиб, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Мирзо Улуғбек туманидаги, Мустақиллик проспекти, 31-уйда жойлашган В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига тегишли бўлган биноні Ўзбекистон давлат консерваториясига ўрнатилган тартибда берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони Ўзбекистон давлат консерваторияси тасаррufига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос бўлган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

**(Давоми 4-бетда.)**

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-, 3-бетларда.)**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги мазкур лойиҳаларни амалга оширишда хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда консерваториянинг лойиҳалаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларида масъул этиб белгилансин.

**Уч ой муддатда** Ўзбекистон давлат консерваторияси биносида “Ноёб чолғулар давлат коллекцияси”ни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

**тўрт ой муддатда** Ўзбекистон давлат консерваториясига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган касбий (ижодий) кириш имтиҳонлари тартибига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2018 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон давлат консерваторияси муассислигида мусиқа санъати таълим-тарбияси бўйича “Мусиқа” илмий-услубий журнали фаолиятини ташкил этсин;

республикадаги энг яхши болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият ва санъат коллежларида консерваториянинг таянч ижодий марказларини ташкил этсин ҳамда уларга консерваториянинг етакчи профессор-ўқитувчиларини юбориб, “Маҳорат мактаби” машғулотларини ўтказишни йўлга қўйсин;

ноёб ва мураккаб чолғу созларини янада пухта ўзлаштиришлари учун ҳар йили ёш ижрочилар ва техноген санъат турлари мутахассисларини хориждаги нуфузли мусиқа академиялари ва консерваторияларига келишув шартномалари асосида Маданият вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли (2-3 ойгача) ўқишга юборсин;

иқтидорли ўқувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган нуфузли танлов, фестиваль ва илмий-ижодий конференцияларда Маданият вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мунтазам иштирок этишларини таъминласин.

5. Қуйидагилар Дастурни амалга оширишнинг молиявий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари — 2018-2019 йилларда Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва 400 ўринли ётоқхона биноларини қуриш ва жиҳозлаш қисмида;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ташаббуси билан хайрия асосида ажратиладиган маблағлар — Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон давлат консерваториясининг бино ва иншоотларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш қисмида;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари — “Ноёб чолғулар давлат коллекцияси”ни, “Мусиқа” илмий-услубий журнали фаолиятини ташкил этиш, ёш ижрочилар ва техноген санъат турлари мутахассисларини хориждаги нуфузли мусиқа академиялари ва консерваторияларига ўқишга юбориш, иқтидорли ўқувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган нуфузли танлов, фестиваль ва илмий-ижодий конференцияларда иштирок этишларини таъминлаш қисмида;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар — бошқа тадбирларни бажариш қисмида.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон давлат консерваториясида фаолият юритаётган юқори малакали ходимлар, жумладан, иқтидорли ёш мутахассислар учун муносиб тураржой шароитларини яратиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари асосида Тошкент шаҳрида қуриладиган кўп қаватли уйлардан уй-жойлар ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарорини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов ва А.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2017 йил 8 август*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ

Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда сўзлаган маърузасида бу борадаги вазифалар янада аниқ-равшан белгиланиб, маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Уларнинг ижросини таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Бу борада, айниқса, “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор алоҳида аҳамиятга эга.

Қарорда халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди.

Президентимиз томонидан имзоланган ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури, мазкур билим юртининг янги таркибий тузилмаси, консерватория фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Мазкур дастурда бугунги кунда маънавий ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган.

Жумладан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, маънавий етук, миллий ғоя ва мафкурамизга садоқат билан хизмат қиладиган баркамол шахсларни тарбиялаш, ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси негизида, жаҳон мусиқа маданияти дурдоналаридан андоза олган ҳолда, мусиқа санъатини ривожлантириш, мусиқий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурда акс этиши лозимлигига урғу берилган.

Шунингдек, мулкий ёки идоравий бўйсунувидан қатъи назар, мусиқа санъати, мусиқа таълими йўналиши учун кадрлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этишда Ўзбекистон давлат консерваторияси методик ва ижодий томондан кўмаклашадиган таянч олий таълим муассасаси эканига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, концерт заллари, ўқув аудиториялари, махсус машғулот хоналарини таъмирлаш ва замон талаблари даражасида жиҳозлашга катта эътибор қаратилган.

Айни вақтда консерваторияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини янада ошириш, ўқув жараёни сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, мусиқа санъати соҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, ижодий марказлар, таниқли композитор, мусиқачи ва ижрочилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш билан бир қаторда республикамизда юқори натижаларга эришган мусиқачи ва педагогларнинг маҳорат дарсларини чет давлатларда тизимли ташкил этиш зарурлиги қайд этилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг ёш педагог кадрларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун зарур маиший шароитлар яратиш, ипотека кредитлари асосида уй-жойлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари ҳам дастурда ўз ифодасини топиши кераклиги белгиланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқув бинолари етишмаслиги, талабалар сони сезиларли даражада кўпайгани таълим-тарбия жараёнларини юқори даражада ва сифатли олиб боришда муаммо туғдирмоқда. Қарорда ана шу масалани самарали ҳал этиш чоралари белгиланган. Шу мақсадда мутасадди ташкилотларга 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 31-уйда жойлашган В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига тегишли бўлган бинони Ўзбекистон давлат консерваториясига ўрнатилган тартибда бериш ҳамда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони Ўзбекистон давлат консерваторияси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш вазифаси топширилган.

Консерваториянинг маданий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири бир вақтнинг ўзида консерватория ректори вазифасини ҳам бажариши қарорда белгилаб берилган.

Шу билан бирга, ўқитувчи ва талаба ёшларнинг илмий салоҳиятидан унумли фойдаланиш учун Ўзбекистон давлат консерваторияси муассислигида “Мусиқа” илмий-услубий журнали фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор Президентимиз томонидан миллий мусиқа санъатимиз ривожига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий намунаси бўлиб, у Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш, мусиқа санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

2017-yil 9-avgust, № 63 (9024)

# Гимнастика маликалари

***Бадиий гимнастика спортнинг нафис тури бўлиб, у билан кўплаб улуғнорлик ёшлар ҳам шуғулланиб келмоқда.***

Улуғнор тумани БЎСМда турли ёшдаги 72 нафар қиз бадиий гимнастика бўйича тажрибали мураббийлар қўл остида шуғулланиб, ижобий натижаларга эришмоқда. Яқинда пойтахтда бўлиб ўтган “Happy Caravan” халқаро турнирида ушбу спорт мактабининг 8 нафар аъзоси биринчи, 8 нафари эса иккинчи ўринни эгаллагани бу ерда гимнастикага эътибор юқорилигини кўрсатади.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган Фарғона водийси очиқ турнирининг Улуғнорда ўтказилгани бежиз эмас. Турнир иштирокчилари икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро баҳс олиб борди. Спорт усталигига номзодлар иштирок этган “А” гуруҳида Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент вилоятлари, Улуғнор тумани вакиллари алоҳида жамоа бўлиб беллашди. 15-16 ёшли қизлар ўртасида улуғнорлик Сарвиноз Қодирова, Моҳинур Тошкенбоева олтин ва кумуш медаллар соҳибига айланди. 13-14 ёшли қизлар ўртасида Гулшода Абдусатторова совриндор бўлди. Андижон вилоятининг барча туманларидан умидли гимнастикачилар иштирок этган “В” гуруҳида ҳам улуғнорликлар пешқадамлик қилди. Гуруҳ баҳсларида ҳам уларнинг қўли баланд келди.

Турнирда қатнашган 116 қизнинг барчасига туман ҳокимлиги, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг рағбатлантирувчи мукофотлари, диплом ва эсдалик совғалари берилди.

— Мактабимизда бадиий гимнастиканинг тобора оммалашиб бораётганида Давлатой Холмирзаева, Умида Мақсудова, Мадинабону Нуралиева каби мураббийларимизнинг хизмати катта бўляпти, — деди туман БЎСМ директори Муроджон Ўлмасов. — Аввало, қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиб, ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол, қомати гўзал бўлиб улғаймоқда. Бу миллатимиз генофонди яхшиланишининг муҳим омилидир. Иқтидорли қизларимизнинг гимнастика маликаларига айланиб, мамлакатимиз шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилишига ишонамиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар муҳайё.

**Орифжон СИДДИҚОВ,**
**“Ma'rifat” мухбири**

# Хабарингиз борми?



**Филиппин**да бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 6 нафар юртдошимиз финалга қадар етиб борди. Жавлонбек Йўлдошев, Нурислом Исмоилов ҳамда Шоҳруҳ Алматов рақибларини енгиб, Осиё чемпиони деган шарафли номга эришган бўлса, Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Раҳматулло Тошпўлатов, Асадбек Жуманиёзов кумуш билан чекланди. Қолаверса, ярим финал баҳсларигача етиб келган 3 нафар боксчимизга бронза медаллари берилди.

* * *

**Гамбург** шаҳри(Германия)да шу йилнинг 25 август куни бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади. Унда 10 нафар ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари рингга чиқади. Хусусан, Ҳасанбой Дўстматов, Жасурбек Латипов, Муроджон Аҳмадалиев, Элнур Абдураимов, Иқбол Холдоров, Шаҳрам Ғиёсов, Исроил Мадримов, Бектемир Меликўзиев, Санжар Турсунов ва Баҳодир Жалолов мазкур жиддий мусобақага пухта ҳозирлик кўриш учун Германияга жўнаб кетди.

* * *

**Тошкент шаҳри**да ўсмирлар ўртасида ўтказилган анъанавий “NBU CUP” халқаро турнирида теннисчимиз Сергей Фомин мисрлик Фариз Закария, чехиялик Доминик Пала, қозоғистонлик Достонбек Ташбулатов ва ҳиндистонлик Сачит Шармани мағлубиятга учратиб, финалга чиқди ва ҳал қилувчи баҳсда италиялик Мишел Вианеллони икки сет натижасига кўра 6:2, 6:1 ҳисобида енгиб, бош соврин соҳиби бўлди.

* * *



**Финляндия**да ёшлар ўртасида спорт курашлари бўйича ўтган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари — эркин курашчимиз Иса Шапиев (-74 кг) кумуш, юнон-рум кураши усталари Илҳом Баҳромов ва Тўрабек Тиркашев бронза медалга сазовор бўлди.

* * *

**Литва**да академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида сайёрамизнинг 60 мамлакатидан келган беш юздан ортиқ спортчи билан бирга юртдошларимиз ҳам ғолиблик учун курашди. Якунда Алишер Турдиев ва Сардор Тўлқинхўжаев керакли натижа қайд этиб, 2018 йилда Аргентинада ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги олимпиадада қатнашиш имконини қўлга киритди.

# Эҳтиёткорлик ўз фойдамиз

***Ёз мавсумида ёнғинларнинг аксарияти қуруқ ўт-ўланлар ёниши билан боғлиқ бўлиб, баъзан аланга тураржой биноларига ўтиб, нохуш ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши кузатилади. Қуруқ ўт-ўланлар, чиқиндиларнинг ўз вақтида йиғиштириб олинмаслиги ёки оловдан эҳтиётсиз фойдаланиш ёнғин чиқишига сабаб бўлиб, бу инсонлар ҳаёти ва саломатлигига жиддий хавф солиши мумкин.***

Тошкент шаҳар ИИББ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари аҳоли гавжум жойлар, таълим ва тиббиёт муассасаларида ёнғин профилактикасига қаратилган тадбирлар ўтказмоқда. Ҳар ҳафтанинг чоршанбасида ўтказилаётган ёнғин профилактикаси куни доирасидаги учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва ёнғин-тактик ўқув машғулотлари шулар жумласидан. Тадбирлар давомида оловдан эҳтиётсиз фойдаланиш, қуруқ ўт-ўлан ва чиқиндиларнинг ёниши, электр ускуналарининг носозлиги ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўлаётгани таъкидланмоқда. Шунингдек, оловдан эҳтиёткорона фойдаланиш, болаларнинг назоратсиз қолдирилиши оқибатида зарар етказилаётгани ҳақида ҳаётий мисоллар, зарур маълумотлар келтирилмоқда.

Бундан ҳар бир инсон тўғри хулоса чиқариши, ибрат олиши зарур. Чунки ёнғин уй жиҳозлари ва қурилмаларини кулга айлантиради. Шу боис биз, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари барча инсонлар, маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимизни огоҳликка, сергакликка чақирамиз!

**Х.ПОЗИЛОВ,**
**“Маъмурий бино махсус сервис” ДШК биноларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ бошлиғи, майор,**
**З.ТОШТЕМИРОВ,**
**ЁХБ инспектори, капитан,**
**Дилшод БОЛОГЕНОВ,**
**ЁХБ инспектори, сержант**

# XORIJDA SPORT

### ТАСОДИФИЙ ҚОИДАБУЗАРЛИК

**Италиялик теннисчи Сара Эррани тақиқланган модда истеъмол қилгани учун икки ой профессионал спортдан четлатилгани ҳақида Халқаро теннис федерацияси (ITF) расмий сайтида хабар берилди.**



Бунинг учун Сара шу йилнинг 16 февралидан бошлаб топширган қон таҳлиллари кўриб чиқилган. Ундан летрозол (мушакларни ўстиришга кўмаклашувчи препарат) моддаси топилган. 18 апрель куни С.Эрранининг антидопинг қоидаларини бузгани қайд этилганди. Спортчининг айтишича, мазкур препаратни онаси ичган ва ошхонада сақлаган. Қандайдир тасодиф билан овқатга тушиб қолган бўлиши мумкин.

### «МЮ»ГА ХАРИДОР ТОПИЛДИ

**Кимлиги маълум қилинмаган хитойлик миллиардер инглизларнинг таниқли жамоаси «Манчестер Юнайтед»ни сотиб олиш истагида клуб акционерлари билан боғланган.**

«The Sunday Times» нашрида келтирилишича, мазкур ҳаракатлар аслида бир неча ҳафта олдин бошланган. Музокаралар Нью-Йорк ва Лондонда бўлиб ўтган, бироқ чинлик миллиардер клубнинг қарийб 80 фоиз акциясига эга америкалик миллиардер Малколм Глейзер оиласи билан бир тўхтамга келолмаган. Аввалроқ оила вакиллари клубга тегишли акцияларнинг каттагина қисмини сотиш ниятидалигини билдирганди.

### БОЛТ “ЕТИБ КЕЛДИ”

**Ямайкалик машҳур спринтер, 8 карра олимпиада ғолиби, 11 карра жаҳон чемпиони Ҳусайн Болт Лондон шаҳрида ўтказилган 100 метрга югуриш бўйича жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллади, дея хабар берилди «Лента»да.**



Ҳ.Болт белгиланган масофани 9,95 сонияда босиб ўтди. Унгача маррани америкалик Жастин Гэтлин 9,92 сонияда ва Кристиан Коулмен 9,94 сонияда босиб ўтди.

Эътиборлиси, бу чемпионатдан сўнг Ҳусайн профессионал фаолиятини якунлайди. Сўнгги чемпионатни ғолиб сифатида якунлаш унга насиб этмади.

### 5 КУНЛИК РЕКОРД

**Голландиялик сузувчи, уч карра олимпиада ғолибаси Раноми Кромовидьойо Берлин шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубогининг галдаги босқичида 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди.**

«ТАСС»да ёзилишича, 25 метрлик бассейнда кечган кимўзарда Раноми масофани 22,93 сонияда ортда қолдирган. Унга қадар швед сузувчиси Сара Шестре рекордчи дея эътироф этилаётганди. У 2 август куни жаҳон кубогининг Москва шаҳрида ўтган босқичида худди шу масофани 23,10 сонияда сузиб ўтганди. Бироқ у бу сафар 2-ўринни эгаллади. 3-ўрин австралиялик Кейт Кэмбелл(23,62)га насиб қилди.

### РЕВАНШ БЎЛМАЙДИ

**Бокс оламининг икки таниқли вакили катта спорт билан хайёрлашаётганини маълум қилгани ҳақида Европа нашрларида хабар берилди.**



Хусусан, шу йилнинг 29 апрелида британиялик Энтони Жошуадан техник нокаутга учраган украиналик 41 ёшли Владимир Кличко мухлисларини мана шу хабар билан лол қолдирди. Чунки улар ноябрь ойида реванш жанги ўтказилишини кутаётганди. Аммо энди бундай муштлашув бўлмайди.

Америкалик собиқ жаҳон чемпиони, 2012 йилда филиппинлик Мэнни Пакьяони енгиб, машҳур бўлиб кетган Тимоти Брэдли ҳам профессионал фаолиятини якунлади.

**Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.**

# Тўйиб-тўйиб тарвуз енг!

***Она диёримизда саховатли ёз — пишиқчилик. Бозор растаси ва савдо дўконларига кирсангиз, сархил, витаминга бой, саломатлик учун фойдали ёз неъматларини кўриб, қай бирини харид қилишни билмай шошасиз. Айниқса, "хирмон" қилиб қўйилган қовун-тарвузнинг олдидан бефарқ ўтиб кетмаслигингиз аниқ. Тарвуз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари орасида шакли ва таъми билан ажралиб туради.***









**Мирзиёд Файзиев, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси:**

— Республикамизда ҳар йили ўртача 50 минг гектардан ортиқ майдонга полиз маҳсулотлари экилиб, шундан 60—65 фоизини тарвуз эгаллайди. 2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрида 42 та тарвуз нави районлаштирилган. Шундан 9 таси сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида яратилган навлардир. Тарвуз ер бағирлаб ўсади, унинг палаги 3—4 метргача етиши мумкин. Барги узун бандли, бўлакли. Гули икки жинсли, эркак гуллари палакда ғужғон, тўп-тўп, урғочилари аксарият якка ҳолда жойлашади. Аввал эркак, сўнгра урғочи гуллари, кейинчалик ҳар иккаласи баравар очилиб, кеч тушгач гултожибарглари ёпилади. Бу гулларни ҳашоратлар чанглайди. Лалмикор майдонда етилган тарвузни тўйиб-тўйиб ейиш ота-боболаримиздан қолган анъанадир.

Тарвуз селекциячилигида ҳосилдорлиги мавжуд навлардан устун турувчи, таркибида қанд ҳамда витаминлари кўп, эти ширадор, касалликларга чидамли, транспортбоп, тез айнимайдиган ва кечпишар навларни яратиш муҳимдир. Эртапишар навлар 10—15 апрелгача экилса, кечпишар навлар 15 майдан бошлаб 10 июнгача ундириб олиниши керак. Мамлакатимизда тарвузнинг эртапишар Ўринбой, Чиллаки $F_1$, Манзур, ўртапишар Сурхон тонги, Дилноз, кечпишар Кўзибой 30 навлари деҳқон-фермер хўжаликлари томонидан етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ этилади. Тарвуз истеъмол қилган кишилар тетик ва бардам юришади.

**Равшан Алимжонов, шифокор- эндокринолог:**

— Тарвуз ўта хушхўр, шифобахш неъмат. Унинг таркибида 11 фоизгача қанд, $B_1$ витамини, каротин, фолат кислотаси, нектин мавжуд. Фосфор, магний, темир, калий тузлари ҳам камроқ миқдорда учрайди. Халқ табобатида тарвуз вирусли гепатит билан оғриган беморларга тавсия қилинади. У ўт ва сийдик ҳайдайди. Ўсимлик пўчоғидан тайёрланган дамлама йўғон ичакнинг яллиғланишини даволашда фойда беради. Тўла одам тўйиб-тўйиб тарвуз еса, маълум муддат ўтиб, вазни анча енгиллашади. Паришонхотир киши тарвуз есин, хотира нуқталари тикланади. Тарвуз шарбати ўт пуфаги, буйрак ҳамда қовуқдаги майда тош ва қумларни нуратиш, эритиш хусусиятига эга. Унда қанд фруктоза кўринишида бўлгани боис, қандли диабетга учраган кишилар сира иккиланмасдан истеъмол қилаверишлари керак. Юрак ва буйрак касалликлари билан оғриганда айрим кишиларнинг танаси шишади, бу пайтда ҳар қандай кимёвий препаратдан кўра, тарвуз афзал ва безарардир. Унинг шарбати жигар тўқималарини енгил сингадиган қанд билан таъминлайди. Таркибида холин моддасини сақлайдиган тарвуз организмда ёғ алмашинувини яхшилаши илмий тиббиётда исботланган. Уруғи истеъмол қилинса, гижжаларни камайтиради.



Маълумотларга қараганда, карвинг санъатининг тарихи Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари аҳолиси турмуш тарзи билан боғланиб кетади. Қадимги Японияда сопол идишларга солинган қуюқ-суюқ таомларни турли ўсимлик барглари билан безатиш урф бўлган. Бу меҳмонлар кайфиятини кўтариб, иштаҳасини очарди. Ўсимлик ва дарахт япроқларини йиғиш бора-бора "мукимоно" номини олиб, XVI асрда мева-сабзавотлардан ҳайратомуз шакл ясаш санъатнинг бир турига айланди.

**Умид Холмирзаев, Республика "Баркамол авлод" болалар техник ижодиёти маркази "Карвинг санъати" тўгараги раҳбари:**

— Ёзги таътил тўгарагимизнинг 20 ўқувчидан иборат икки гуруҳи учун айни муддао. Серқуёш ўлкамизда етиштириладиган барча мева-сабзавотларга ўқув дастуримизда белгиланган мавзулар бўйича антиқа шакл ва безаклар туширамиз: қовун, тарвуз, лавлаги, сабзи, бодринг, помидор, пиёздан санъат намуналарини ясаган ўқувчиларнинг боши осмонга етади. "Карвинг санъати" тўгараги аъзолари уй шароитида мева-сабзавотларни турли шаклга солиб, дастурхон ясатишлари мумкин. Айниқса, тарвуздан тайёрланадиган ижод намунасига улар жуда ҳафсала билан ёндашишади. Энг муҳими, биз мураббийлар болада ижодкорлик қобилиятини ривожлантираётганимиздан хурсандмиз.

Қисқаси, ёз фаслининг шифобахш неъмати — тарвузни тўйиб-тўйиб енг, чанқоғингиз босилиб, руҳиятингиз тетиклашади.

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, "Ma'rifat" мухбири**



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-815. Tiraji 34151. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

ISSN 2010-6416

TELEFONLAR: qabulxona — 233-50-55; kotibiyat — 233-99-15; reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.

Navbatchi muharrir: Zohidjon XOLOV.

Navbatchi: Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.25 Topshirildi — 23.10 12 456